Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 237 (6355). • 8 декабрь, 1978 йил • ЖУМА • Баҳоси 2 тийин.

ПИСКЕНТ ЗАФАР ҚУЧДИ

Бу йил Пискент деҳқонлари ғоят ноқулай об-ҳаво шароитида пахта етиштирдилар. Жала ва дўл ёққанлиги туфайли жуда кўп экин майдонларига чигит қайта-қайта экилди. Лекин шунга қарамай пахтакорлар далаларда мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатдилар. Асосий майдонларда мўл ҳосил етиштирилди. Ипғим-теримни ипатоволиклар методи асосида ташкил этган, юксак уюшқоқлик, интизом намуналарини намойиш қилган пискентликлар катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Давлатга пахта сотиш халқ хўжалик плани муваффақиятли бажарилди. Кечаги кунга қадар эл хирмонига 41 минг тоннага яқин «оқ олтин» етказиб берилди.

Районда биринчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чеккан «Гулистон» колхози азаматлари шу кунгача ҳосилдорликни 37 центнерга, Тельман номли, Ленин номли колхоз деҳқонлари 33—34 центнерга етказдилар.

«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», Свердлов номли, Калинин номли колхозлар ҳам халқ хўжалик планини муваффақиятли бажардилар. 1-«Пискент» совхозида ҳам яқин кунлар ичида марра эгалланади. Районда халқ хўжалик планини бажарилишида Охунбобоев номли колхоз, 2-«Пискент» совхози пахтакорларининг ҳам улуши бор.

Етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олиш ва планни муваффақиятли бажаришга Олмалиқ, Тошкент шаҳарлари, Оҳангарон ва Юқори Чирчиқ районлари меҳнаткашлари, мактаб ўқувчилари, олий ўқув юртлари ва техникумларининг студентлари катта ёрдам бердилар.

Жуда кўп бригадалар ердан, техникадан моҳирона фойдаланиб, табиат қийинчиликларини енгиб, юқори ҳосил олишга муваффақ бўлдилар. Тельман номли колхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳакимполвон Қодиров, КПСС XXV съезди делегати Назира Алимбоева, «Гулистон» колхозидан Манноп Мусаев, Калинин номли колхоздан Жаннат Арслонова, Свердлов номли колхоздан Пўлат Ҳудойқулов, 1-«Пискент» совхозидан Ўринбой Мубораков, Умаркул Қосимов сингари ўртоқлар бошлиқ бригадаларда 35—48 центнерга етказиб ҳосил олинди.

Районда машина терими соҳасида ҳам анча яхши натижаларга эришилди.

ҚПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари асосида иш олиб бораётган Пискент райони меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам кескин бурилиш ясашга муваффақ бўлмоқдалар. Зарбдор йилда давлатга сабзавот, мева, узум, қовун-тарвуз, пилла, дон, гўшт, сут, жун, тухум сотиш планлари анча ошириб бажарилди. Ҳозиргача ҳар бош соғин сигирдан 3000 килограммдан, ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 144 килограммдан кўп сут соғиб олинди.

Район меҳнаткашлари беш йилликнинг учинчи йилини қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида юқори кўрсаткичлар билан якунлаш, пахтанинг ялпи миқдорини 42 минг тоннага етказиш, шу билан бирга келгуси йил ҳосилига ҳам пухта замин тайёрлаш учун курашмоқдалар.

ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА район ва шаҳар партия ташкилотлари ҳаётида муҳим воқеа ҳисобланган партия конференциялари бўлиб ўтмоқда. Бу анжуманларга ҳамма ерда пухта ва ҳар томонлама тайёргарлик билан келинмоқда. Партия конференцияларида қуйи партия ташкилотларининг вакиллари — саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги илғорлари, фан ва маданият, санъат ва адабиёт вакиллари, турли касб ва ҳунар соҳиблари бўлмиш коммунистлар иштирок этмоқдалар. Сиёсий ва амалий жиҳатдан жуда муҳим ҳисобланган мазкур партиявий йиғинларда район ва шаҳар партия ташкилотларининг ҳисобот даврида амалга оширган ишлари муҳокама қилинмоқда ва келажак учун янги-янги режалар белгилаб олинмоқда.

Конференцияларда партия ташкилотлари олиб бораётган ташкилотчилик ва сиёсий ишларининг форма ва методлари, уларнинг хўжалик, маданий қурилишга раҳбарлиги давримизнинг руҳига, КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди, КПСС Марказий Комитетининг шу йил июль ва ноябрь ойларида бўлиб ўтган Пленумлари партия ва мамлакат олдига қўйган катта вазифаларга мумкин қадар тўлароқ жавоб берадиган бўлишлари зарур, деган фикр яна бир карра таъкидланмоқда.

«Совет жамияти тараққиётининг жадал суръатлари, коммунистик қурилиш миқёсларининг ўсиб бораётганлиги, халқаро майдондаги фаолиятимиз экономика ва маданиятни ривожлантиришга, кишиларни тарбиялашга партия раҳбарлиги даражасини доим юксак погонага кўтаришни, омма ўртасидаги ташкилотчилик ва сиёсий ишларни яхшилашни қаттиқ талаб этади», — деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXV съездида қилган Ҳисобот докладида.

Марду-майдон совет халқининг қўлга киритаётган ажойиб зафарлари барча коммунистларнинг, барча меҳнат аҳлининг партиямиз Марказий Комитети атрофига маҳкам жипслашган ҳолда, яқдил бўлиб улуғвор ишларни амалга ошираётганлигидан далолат бериб турибди. Ўнинчи беш йиллик планларини тўлатўкис рўёбга чиқариш учун умумхалқ курашининг кенг қулоч ёйганлиги, социалистик мусобақа байроғининг тобора баланд кўтарилганлиги, беш йилликнинг зарбдор учинчи йилида республикамиз ва областимиз меҳнаткашларининг қўлга киритаётган қувончли ғалабалари бунинг ёрқин далили бўла олади.

Бу йилги ҳисобот-сайлов кампаниялари ўзгача бир вазиятда — СССР ва Ўзбекистон ССР янги Конституциялари яшаётган, ишлаётган ва фаолият кўрсатаётган бир пайтда, барча совет халқининг сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги беқиёс даражада ўсган, жойларда план ва социалистик мажбуриятлар знёдаси билан адо этилаётган бир вазиятда бўлиб ўтмоқда. Областимизнинг азамат саноатчилари ойлик ва квартал планларини муттасил муддатидан илгари ошиғи билан бажармоқдалар. Улар бу ютуқларини янада кўпайтириш ҳамда йил охиригача пландан ташқари жуда кўп турли хил муҳим саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Қишлоқ хўжалигимиз ходимлари, айниқса, пахтакорларимиз бу йил мисли кўрилмаган уюшқоқлик, жасорат, қаҳрамонлик ва меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Кўпгина соҳалар бўйича план ва социалистик мажбуриятлар шараф билан бажарилди. Лафзи ҳалол, метиндек бардош соҳиби бўлмиш олтин қўлли пахтакорларимиз бу йилги обҳаво мушкулликларига қарамай, ҳозиргача она-Ватан хирмонига 430 минг тоннага яқин Тошкент «оқ олтин»ини етказиб бердилар. Пахтазорларда ғайрат-шижоат шукуҳи давом этмоқда. Далаларда қолган дурдонамизнинг сўнгги мисқолларини ҳам нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун сўнгги ҳужум бораётир.

Саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ютуқларга КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг халқ хўжалигига оталарча ғамхўрлик кўрсатаётганлиги туфайли, республикамиз ва областимиз партия ташкилотларининг барча ишларга моҳирлик, омилкорлик ва билимдонлик билан раҳбарлик қилаётганликлари туфайли, ҳар бир меҳнат кишисининг ўз вазифасига виждонан муносабатда бўлаётганлиги туфайли сазовор бўлаётирмиз. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг шу йил июль ва ноябрь ойларида бўлиб ўтган Пленумларида сўзлаган нутқида баён этилган доно ва узоқни кўрувчи кўрсатмалари, ўз ишини яқинда тамомлаган СССР Олий Советининг сессиясида қабул қилинган келгуси йил планлари кишиларимизни тағин ҳам фидокорлик билан ишлашга, коммунизм ғоялари ҳаққи янги-янги ғалабаларга илҳомлантириб юборди.

Бундай муваффақиятларнинг барчаси бўлиб ўтаётган партия конференцияларида тилга олинмоқда. Яна шу нарса таъкидлаб ўтилмоқдаки, бу йиғинлар КПСС XXV съезди қарорларини сўзсиз, тугал амалга оширишда алоҳида ўрин тутади. Шу боисдан конференцияларда олдимизда турадиган бундан буёнги улкан вазифалар, уларни кўнгилдагидек адо этишнинг оптимал йўл-йўриқлари очиқ-ойдин белгилаб олиниши керак.

Партия конференцияларида партия сафларини янада мустаҳкамлаш, коммунистларнинг авангардлик ролини тобора ошириш, коллективларнинг ташаббускорлик анъаналарини кучайтириш, партия ташкилотларининг хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлигини такомиллаштириш, омма билан алоқани намунали йўлга қўйиш, партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ва идеология соҳасида янгича иш методлари ва усулларини такомиллаштириш, лекция ва пропаганда ишларини янада яхшилаш, партия ўқуви, кадрлар билан ишлаш, коммунист бурчи ва масъулияти, контроль ва ижрони текшириш каби қатор масалалар ҳақида батафсил ва атрофлича фикр алмашмоқ лозим. Партия конференцияларини коммунистларнинг ҳар тарафлама ишчанлиги ва активлигида, танқид ва ўз-ўзини танқид шиори остида, талабчанлик ва саммимийлик руҳида ўтказилмоғи лозим. Нотиқлар томонидан билдирилган ҳалқ хўжалигининг барча жабҳаларига тааллуқли қимматли таклиф ва мулоҳазаларни, танқидий фикрларни, ҳаққоний, холисона, ўртоқларча баҳолаш, уларни умумлаштириш ва келгусида мазкур таклифлардан амалий ишларда фойдаланиш — район ва шаҳар партия конференцияларининг масъулиятли бурчидир.

Давримизнинг ақл-идроки, виждони, шон-шарафи бўлган жонажон ленинчи коммунистик партиямиз совет халқини порлоқ келажак — коммунизм нурли чўққилари томон мардонавор бошлаб бормоқда. Октябрь байроғи остида қўлга киритаётган зафарларимизга бутун жаҳон ҳавас билан боқмоқда.

Совет халқи коммунистик партиямизни ўзининг раҳбари ва йўлбошчиси, барча саҳоватли ишларидаги илҳомчиси, синалган ташкилотчиси, деб билади. Шунинг учун ҳам унинг ички ва ташқи сиёсатини, амалий фаолиятини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар.

Ҳеч шубҳа йўқки, район ва шаҳар партия конференцияларини коммунистларнинг юксак активлиги ва иштирокида, ишчанлик ва принципиаллик руҳида, бутун куч ва имкониятларни КПСС XXV съезди улуғвор қарорларини, беш йиллик режаларини оғишмай амалга оширишга сафарбар этиш шиори остида ўтади.

„Оқ олтин" хирмонига

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАНЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 7 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида: биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан, мавсум бошидан буён машинада терилгани):

БЎКА	0,15	111,13	107,30
ЧИНОЗ	0,20	108,21	109,85
ҒАЛАБА	0,07	107,03	106,76
ЯНГИЙЎЛ	0,17	105,14	117,44
БЕКОБОД	0,12	105,05	100,00
ЎРТА ЧИРЧИҚ	0,04	103,50	105,49
КОММУНИСТИК	0,02	101,60	101,54
Пискент	0,31	99,61	80,50
Оққўрғон	0,32	88,61	88,65
Область бўйича:	0,16	102,97	100,81

КУЗГИ шудгор — мўл ҳосил гарови. Янгийўл районидаги Ленин номли колхозининг деҳқонлари шу кунларда ҳосилдан бўшаган ерларни пешма-пеш ҳайдаб қўймоқдалар. Бу соҳада донгдор механизатор Бўрмвой Толипов (ўнгда), айниқса, ғайрат кўрсатмоқда. У кундалик топшириқни ортиғи билан бажараётир. Чапда донгдор механизатор ўз ҳамкасби Нормат Исканов билан суҳбатлашмоқда.

Р. Галкев фотолари.



ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети, касаба союзлари область Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ область комитети пахта йиғим-теримида иштирок этаётган шаҳар корхоналари, ташкилотлари ва область ўқув юртлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1-5 декабрь якунларини кўриб чиқиб, область партия комитети, область ижроия комитети, касаба союзлари область Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғини **Оржоникидзе район**нига (район партия комитетининг секретари Ё. П. Пўлатов, район ижроия комитети раиси Т. М. Ортиқўжаев, район комсомол комитетининг секретари М. М. Усмонов) беришга қарор қилдилар.

Байроқ Калинин районидан олиб берилади.

Область партия комитети, область ижроия комитети, касаба союзлари область Совети, область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи кишиларни йиғим-теримга сафарбар этган ва ҳар бир теримчи ҳисобига кундалик иш унумини оширишни таъминлаган **Аигрен медицина билим юртига** (директори Р. Х. Эгамбердиев, партия ташкилоти секретари М. Бувамотов, маҳаллий комитети раиси Ф. К. Борисенко, комсомол ташкилоти секретари М. Мамаразоқов) берилди.

Байроқ республика аёллар педагогика билим юртидан олиб берилади.

Область партия комитети, область ижроия комитети, касаба союзлари область Совети, область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи ҳар бир теримчининг кундалик иш унумини оширишни таъминлаган **Оққўрғон районидаги 7-мактаб коллективига** (директори А. Қўйбоқаров, маҳаллий комитет раиси Р. Элмуродов, партия ташкилотининг секретари У. Дусабоев, комсомол ташкилоти секретари Ф. Тўрахўжаева) берилди.

Байроқ Бўстонлиқ районидаги 15-мактабдан олиб берилади.

Оржоникидзе район ижроия комитети, Ангрен медицина билим юрти, Оққўрғон районидаги 7-мактабга илғор теримчи ишчилар, хизматчилар ва ўқувчиларни мукофотлаш учун 500 сўмдан пул ажратилсин.

ВАТАНИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион кенгашининг раиси ва Бош министри Нурмуҳаммад Тараки 7 декабрда Москвадан ўз Ватанига жўнаб кетди.

У КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан СССРга келган эди.

Афғонистон Демократик Республикаси ва СССРнинг Давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида Н. Таракини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Учиш майдонида СССР Қуролли Кучларининг уч тури қуруқликдаги қўшинлар, ҳарбий ҳаво кучлари ва ҳарбий денгиз флотининг вакилларидан иборат фахрий қоровул саф тортди. Л. И. Брежнев билан Н. Тараки совет жангчилари сафи олдидан ўтдилар. Афғонистон Демократик Республикаси ва СССРнинг давлат гимнлари ижро этилди.

(ТАСС).

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Москвада америка—совет савдо-иқтисодий кенгашининг олтинчи мажлиси ўтказилиши муносабати билан 6 декабрда Кремлда зиёфат берди.

Зиёфатда совет томонидан — СССР министрлари Л. А. Костандов, В. П. Ленин, Ташқи савдо министрининг биринчи ўринбосари М. Р. Кузьмин, СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Г. М. Корниенко, СССР Давлат банки правлениесининг раиси В. С. Алхимов, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, СССР Ташқи савдо министрининг ўринбосарлари, кенгашнинг совет томони директорлари, бошқа расмий кишилар;

Америка томонидан — кенгашнинг фахрий директори АҚШ молия министри М. Блюменталь, АҚШ савдо министри Х. Крепс, кенгашнинг америка томони раиси, «Армко стил корпорейшн» компанияси правлениесининг раиси У. Верити, америка — совет савдо-саноат кенгашининг президенти М. Форрестол, АҚШнинг СССРдаги элчиси М. Тун, кенгашнинг америка томони директорлари, бошқа расмий кишилар қатнашдилар.

Зиёфатда Л. И. Брежнев нутқ сўзлади. М. Блюменталь ва Х. Крепс жавоб нутқи сўзладилар.

У. Верити америка бизнесменлари номидан гапириб, АҚШ билан СССР ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун қадаҳ кўтаришни таклиф қилди.

Нутқлар эътибор билан тингланди ва давомли қарсақлар билан кутиб олинди.

Америка—Совет савдо-иқтисодий кенгаши номидан Л. И. Брежневга совғалар топширилди.

Зиёфат дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВ АҚШ МОЛИЯ МИНИСТРИ БИЛАН САВДО МИНИСТРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 6 декабрь куни Кремлда АҚШ Молия министри М. Блюменталь билан АҚШ Савдо министри Х. Крепс хонимни қабул қилди. Улар савдо-сотиқ масалалари билан шуғулланувчи Совет — Америка қўшма комиссияси ва америка — совет савдо-иқтисодий кенгашининг мажлислари муносабати билан Москвага келган эдилар.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабат масалалари, жумладан, савдо-иқтисодий соҳадаги ишларнинг аҳволи муҳокама қилинди. Министрлар АҚШ Президенти Картернинг шу масалага оид мактубини Л. И. Брежневга топширдилар.

Л. И. Брежнев турли соҳалардаги совет-америка муносабатларини текислаб олиш ва сўнгра ривожлантириш учун изчиллик билан амалий куч-ғайратлар сарфлаш лозимлигини уқтириб ўтди. Башарти Америка томонидан совет-америка муносабатларидаги аҳволни ҳақиқатан ҳам тўғрилаб олиш, бу муносабатларни амалий ҳамкорлик ҳамда ўзаро ишонч муҳитини яратиш йўлидан олға силжитиш истаги ва муддаоси бўлса, Совет Иттифоқи бу ишда унинг ишончли шериги бўлади.

Шу жиҳатдан олганда иккала мамлакатнинг қуроллаиниш пойгасини тўхтатиш соҳасида биргаликдаги конкрет куч-ғайратлари ва аввало, стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги битимни тайёрлашни, ниҳоят, ортиқ пайсалга солмай тугаллаш алоҳида аҳамиятга эга бўлур эди, деб уқтирди Л. И. Брежнев.

Л. И. Брежнев СССР билан АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар соҳасига тўхталиб, бу алоқалар анча кенг миқёс касб этиши ва иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни умуман яхшилашнинг муҳим элементи бўлиб қолиши мумкинлигига ишонч изҳор этди, аммо бунинг учун бу йўлдаги мавжуд тўсиқлар, чунончи, СССРга нисбатан камситувчи қонунлар ва савдо-сотиқдан сиёсий тазйиқ ўтказиш учун фойдаланиш йўлидаги уринишлар тўхтатилиши лозимлигини айтди. Совет — Америка савдо-иқтисодий алоқалари тўла тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатдорлик ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик негизидагина нормал ривожланиши мумкин.

Л. И. Брежнев Совет Иттифоқи СССР билан АҚШ ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш учун муттасил ҳаракат қилиб келаётганини ҳамда бу муносабатлар иккала мамлакат халқларининг ва бутун инсониятнинг манфаатлари йўлида тинчликнинг пухта омили бўлиб қолиши мумкинлиги ва лозимлигини таъкидлади.

М. Блюменталь билан Х. Крепс ўртада турган муаммоларни Совет — Америка муносабатларини ижобий тарзда ривожлантириш манфаатларини кўзлаб ҳал этиш йўлларини ўзаро қидиришга зарурлигини айтдилар ва АҚШ ҳукумати бунга кўмаклашиш ниятида эканини изҳор этдилар.

Суҳбатда СССР Ташқи савдо министрининг биринчи ўринбосари М. Р. Кузьмин, СССР Ташқи савдо министрининг ўринбосари, Америка — Совет савдо-иқтисодий кенгашининг совет ҳамраиси В. Н. Сушков, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров ва АҚШнинг СССРдаги элчиси М. Тун ҳам иштирок этдилар.

(ТАСС).

Я. П. РЯБОВ ЎЗБЕКИСТОНДА

КПСС Марказий Комитетининг секретари Я. П. Рябов 6 декабрь куни Ўзбекистонга келди.

Ўртоқ Я. П. Рябов Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасини, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасини, В. И. Ленин номли Тошкент электро техника заводини, Самарқанд суперфосфат заводини бориб кўрди. У меҳнат коллективларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва сифатини ошириш соҳасидаги ишлари билан, 1978 йилга қабул қилинган социалистик мажбуриятларининг бажарилиши, ўнинчи беш йилликда ишлаб чиқаришни ривожлантириш истиқболлари, меҳнаткашларнинг турмуши ва дам олишининг ташкил этилиши билан, уй-жой қурилиши, шаҳарсозлик проблемаларининг амалда ҳал этилиши, шаҳар хўжалиги тараққиёти билан танишди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитети бўлим мудири В. В. Листов, СССР Авиация саноат министри В. А. Казаков, СССР Химия саноати министри Л. А. Костандов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Н. М. Матчонов, А. А. Хўжаев, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов, Тошкент область партия комитетининг секретари Ф. Г. Потуремский, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Р. Хўжаев, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов ўртоқ Я. П. Рябов билан бирга бўлдилар.

(ЎзТАГ).

Исроил Мандонов В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия комбинатининг пещқадам пўлат эритувчиларидан ҳисобланади. Ўз касбини пухта эгаллаган бу металлург тезкор усулда ишлайди. Шунинг учун ҳам у уч йиллик ишлаб чиқариш топшириғини муддатидан илгари бажарди. Суратда: пўлат эритувчи И. Мандонов иш устида.

В. Сироткин фотоси.

СУҲБАТЛАР ТЕМАТИКАСИ

ПОЙТАХТ области меҳнатчилари ҳам КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми ҳамда шу Пленумда ўртоқ Л. И. Брежнев нутқини, СССР Олий Совети ўнинчи сессияси қарорларини сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги вазиятида кутиб олдилар. Улар ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили план ва мажбуриятларининг бажарилиши соҳасида эришилаётган ютуқлар, шу ютуқларда ўзларининг ҳам муносиб ҳиссалари борлиги билан фахрланмоқдалар.

Шу кунларда партия ташкилотлари, область меҳнаткашлари орасида катта ташкилотчилик ва сиёсий ишларни олиб бормоқдалар. Сиёсий ахборотчилар, агитаторлар, сиёсий ташкилотчилар КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми ва тўқкизинчи чақириқ СССР Олий Совети ўнинчи сессиясининг қарорларини тушунтириб бермоқдалар.

Озғаки сиёсий агитация кадрлари учун навбатдаги инструктив семинар ўтказиб, унда қуйидаги материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети ноябрь (1978 йил) Пленумида сўзлаган нутқи. (Марказий, республика, область газеталарининг 28 ноябрь сонлари).

Камчиликларга писбатан муросасизликни тарбиялайлик («Агитатор», 21-сон, 7—9-бетлар).

Кишилар билан ишлаш — асосий масала («Партия турмуши», 11-сон, 45—50, «Ўзбекистон агитатори», 22-сон, 4—8-бетлар).

Айрим йўналишлар бўйича сиёсий ахборотнинг хусусиятлари («Агитатор», 21-сон, 44—47, «Ўзбекистон агитатори», 21-сон, 16—18, 22-сон, 20—22-бетлар).

Декабрь ойида суҳбат ва сиёсий ахборот ўтказиш учун қуйидаги материаллардан фойдаланинг:

МАМЛАКАТ ИЧКИ СИЁСИЙ ҲАЁТИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА:

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми ва СССР Олий Совети ўнинчи сессиясининг материаллари. (Марказий, республика, область газеталарининг 28 ноябрь — 3 декабрь сонлари).

Ойдин йўлдан. («Правда», 29 ноябрдаги бошмақола. Республика газеталарининг 1 декабрь сонлари).

Ленин йўлидан («Правда» газетасининг 3 декабрь сонидаги бош мақола, республика, область газеталарининг 5 декабрь сонлари).

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида «Улуғ Ватан уруши иштирокчиларининг моддий-маиший шароитини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида» (Марказий, республика, область газеталарининг 24 ноябрь сонлари).

Совет Иттифоқи граждани («Правда» газетасининг 4 декабрдаги бош мақоласи, республика, область газеталарининг 6 декабрь сонлари).

Электр энергетиклар мусобақаси. 22 декабрь — Энергетиклар куни. («Агитатор», 22-сон, 27—29-бетлар).

Совет оиласи («Агитатор», 21-сон, 26—27-бетлар).

ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА:

Планнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, қолоқларсиз ишлаш — энг муҳим вазифа. — (КПСС МК журнали «Партийная жизнь», 21-сон, 21—36-бетлар).

Тўпланган тажриба — янги изланишлар ва ютуқлар негизи («Партийная жизнь», 22-сон, 15—21-бетлар).

Планлаштиришга программ — мақсадли ёндошиш («Коммунист», 16-сон, 43—56-бетлар).

Енгили ва энергиядан тежаб-тергаб фойдалан («Агитатор», 21-сон, 7—9, 22-сон, 15—16-бетлар).

Қурилишларда техникавий жиҳозлашга индустриал база ратайлик («Экономика и жизнь», 11-сон, 69—72-бетлар).

Ўзбекистон транспорти («Ўзбекистон коммунисти», 11-сон, 29—36, «Экономика и жизнь», 11-сон, 78—88-бетлар).

Деҳқончилик маданиятини оширайлик («Партия турмуши», 10-сон, 17—23-бетлар).

Ўзбекистон пахтачилигини ривожлантиришда муҳим босқич («Экономика и жизнь», 11-сон, 3—8-бетлар).

Келажак ҳосил замини («Правда»нинг 22 ноябрь сонидаги бош мақоласи).

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советида (Республика ва область газеталарининг 30 ноябрь сонлари).

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг Декларацияси (Марказий республика газеталарининг 24 ноябрь сонлари).

Ўзаро Иқтисодий Ердам кенгаши мамлакатлари: амалдаги интернационализм («Международная жизнь», 11-сон, 13—24, «Агитатор», 22-сон, 30—33, «Ўзбекистон агитатори», 22-сон, 29—30-бетлар).

Инсон ҳуқуқлари ва давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик («Международная жизнь», 11-сон, 25, —34, «Ўзбекистон коммунисти», 11-сон, 37—43, 44—51-бетлар).

Антикоммунизм ва антисоветизм сиёсати албатта барбод бўлади («Партийная жизнь», 22-сон, 76—79-бетлар).

«Ультрареволюционлик»дан империализм ва реакция билан битишувга («Коммунист», 16-сон, 98—109-бетлар).

Маоизм — тинчлик ва халқлар хавфсизлигига хавф-дир («Международная жизнь», 11-сон, 145—149, «Ўзбекистон агитатори», 21-сон, 2—5-бетлар).

БМТ ва ҳозирги замоннинг туб масалалари («Международная жизнь», 11-сон, 3—14-бетлар).

Қуролланиш пойгаси — инсоният учун хавф («Ўзбекистон агитатори» 22-сон, 4—8-бетлар).

Яқин Шарқ: кўчар қумга қурилган сепарат битимлар («Международная жизнь», 11-сон, 35—44-бетлар).

Империализмни фош этувчи материаллар. Рақамлар ва фактлар. («Ўзбекистон агитатори», 21-сон, 28—30, 22-сон, 34—38-бетлар).

ЭСЛАТМА: суҳбатга, сиёсий ахборотга тайёрланишда вақтли матбуот, маҳаллий факт ва рақамлардан фойдаланишни унутманг.

ОЗҒАКИ СИЁСИЙ АГИТАЦИЯ КАДРЛАРИГА ЁРДАМ

ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА:

Планнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, қолоқларсиз ишлаш — энг муҳим вазифа. — (КПСС МК журнали «Партийная жизнь», 21-сон, 21—36-бетлар).

Тўпланган тажриба — янги изланишлар ва ютуқлар негизи («Партийная жизнь», 22-сон, 15—21-бетлар).

Планлаштиришга программ — мақсадли ёндошиш («Коммунист», 16-сон, 43—56-бетлар).

Енгили ва энергиядан тежаб-тергаб фойдалан («Агитатор», 21-сон, 7—9, 22-сон, 15—16-бетлар).

Қурилишларда техникавий жиҳозлашга индустриал база ратайлик («Экономика и жизнь», 11-сон, 69—72-бетлар).

Ўзбекистон транспорти («Ўзбекистон коммунисти», 11-сон, 29—36, «Экономика и жизнь», 11-сон, 78—88-бетлар).

Деҳқончилик маданиятини оширайлик («Партия турмуши», 10-сон, 17—23-бетлар).

Ўзбекистон пахтачилигини ривожлантиришда муҳим босқич («Экономика и жизнь», 11-сон, 3—8-бетлар).

Келажак ҳосил замини («Правда»нинг 22 ноябрь сонидаги бош мақоласи).

ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА:

Ривожланган социализм ва одамни гоявий-ахлоқий тарбиялаш («Коммунист», 16-сон, 7—18 бетлар, «Агитатор», 22-сон, 52—54-бетлар).

Соцнал тараққиёт ва маданият («Политическое самообразование», 11-сон, 82—87-бетлар).

Театр ва замон («Ўзбекистон коммунисти», 11-сон, 62—70-бетлар).

Жаҳон океани — экономика, экология, ҳамкорлик («Международная жизнь», 11-сон, 53—63-бетлар).

Биз нимани, қанча истеъмол қиламиз? («Агитатор», 22-сон, 62-бет).

ХАЛҚАРО АҲВОЛ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА:

Экин майдонлари. Рақамлар ва фактлар («Агитатор», 22-сон, 21—26-бетлар).

Чорвачиликни интенсивлашнинг муҳим шарти («Агитатор», 21-сон, 16—19-бетлар).

Чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказайлик («Агитатор», 22-сон, 6—8-бетлар).

ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА:

Ривожланган социализм ва одамни гоявий-ахлоқий тарбиялаш («Коммунист», 16-сон, 7—18 бетлар, «Агитатор», 22-сон, 52—54-бетлар).

Соцнал тараққиёт ва маданият («Политическое самообразование», 11-сон, 82—87-бетлар).

Театр ва замон («Ўзбекистон коммунисти», 11-сон, 62—70-бетлар).

Жаҳон океани — экономика, экология, ҳамкорлик («Международная жизнь», 11-сон, 53—63-бетлар).

Биз нимани, қанча истеъмол қиламиз? («Агитатор», 22-сон, 62-бет).

ХАЛҚАРО АҲВОЛ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА:

Экин майдонлари. Рақамлар ва фактлар («Агитатор», 22-сон, 21—26-бетлар).

Чорвачиликни интенсивлашнинг муҳим шарти («Агитатор», 21-сон, 16—19-бетлар).

Чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказайлик («Агитатор», 22-сон, 6—8-бетлар).

БМТ ва ҳозирги замоннинг туб масалалари («Международная жизнь», 11-сон, 3—14-бетлар).

Қуролланиш пойгаси — инсоният учун хавф («Ўзбекистон агитатори» 22-сон, 4—8-бетлар).

Яқин Шарқ: кўчар қумга қурилган сепарат битимлар («Международная жизнь», 11-сон, 35—44-бетлар).

Империализмни фош этувчи материаллар. Рақамлар ва фактлар. («Ўзбекистон агитатори», 21-сон, 28—30, 22-сон, 34—38-бетлар).

ЭСЛАТМА: суҳбатга, сиёсий ахборотга тайёрланишда вақтли матбуот, маҳаллий факт ва рақамлардан фойдаланишни унутманг.

ХАЛҚ БИЛАН, ПАРТИЯ БИЛАН БИРГАМИЗ

7 декабрь куни Москвада Совет Ўзбекистони адабиётининг ривожланиш тажрибаси ва проблемалари тўғрисида батафсил гаплашиб олинди. Бу ерда, адабиётчилар марказий уйида «Халқ билан, партия билан биргамиз» деган шиор остида СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг пленуми бўлди. КПСС XXV съезди ва партия Марказий Комитети 1978 йил июль ҳамда ноябрь Пленумларидан кейин Ўзбекистон адабиёти мавзуси Пленум кун тартибига қўйилган эди.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Г. М. Марков пленумни очиб, мамлакатимиз қардош адабиётларининг кўп миллатли оиласида Ўзбек Совет адабиёти муносиб ўрнини эгаллаганлигини таъкидлаб ўтди. Республика прозаиклари ва шоирларининг асарлари Бутуниттифоқ эътирофига сазовор бўлди. Бу асарларда ёшларнинг ҳаёт ва ижодкор совет кишисининг бой маънавий дунёси очиб берилган. Ўзбек халқи Ленин партияси раҳбарлигида совет ҳокимияти йиллари мобайнида босиб ўтган тарихий йўл кенг манзараси тасвирланган.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Яшин пленумда доклад қилди. У Ўзбек адибларининг ижодига эътибор бераётганлиги учун СССР Ёзувчилар союзи правлениесига Республика Ёзувчилар союзи номидан самимий ташаккур изҳор этди.

К. Яшининг серқуёш ўлканинг бугунги куни тўғрисидаги, Ўзбекистон прозаиклари ва шоирларининг эришган муваффақиятлари ва вазифалари ҳақидаги нутқини ҳозир бўлганлар зўр эътибор билан тингладилар. КПСС XXV съезди тарихий қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари қарорлари, деб таъкидлади докладчи, барча совет кишилари сингари Ўзбекистон ёзувчилари учун ҳам ижодий мадад бўлди. Ёзувчилар Леонид Ильич Брежневнинг фикрларнинг чуқурлиги ва равшанлиги жиҳатидан ажойиб «Қичик Ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» китоблари билан ниҳоятда қизиқиб танишиб чиқдилар. Бу китоблар халқ тўғрисида ва халқ учун қандай ёзиш намунаси ва тимсолидир. Ана шу асарларнинг кўпгина саҳифалари бевосита адибларга қаратилганлиги биз учун зўр шарафдир.

Сўнгра докладчи кейинги йилларда Ўзбек адабиётининг йўлини таҳлил этиб, адабиёт ҳал этиши лозим бўлган проблемалар ва вазифаларга тўхталиб ўтди. Ўзбек ёзувчилари, деди у, пировардида, воқеаларнинг қизғин изидан боришни, ўз қаҳрамонлари билан ёнмаён бўлишни, бугунги кунда халқни тўлқинлантираётган ва воқелигимизнинг тарихий моҳиятидан иборат нарсаларнинг ҳаммасига лаббай деб жавоб қайтаришни ўз бурчлари деб ҳисоблайдилар.

Пленумда сўзга чиққан нотиқлар мамлакатимиз қардош халқлари адабиётларининг ўзаро алоқаси тўғрисида, Ўзбекистон прозаиклари ва шоирларининг асарлари кўпгина тилларга таржима қилинганлиги, бу асарлар Совет Иттифоқининг турли жойларида гоят машҳур эканлиги ҳақида гапирдилар. Улар Республика ёзувчилари яратган энг яхши китоблар кишиларнинг янги авлодини тарбиялашда, замонамизнинг муҳим масалаларини ҳал этишда партияга ёрдам бераётганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. Ў. Салимов нутқ сўзлади.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети маданият бўлимининг мудири В. Ф. Шауро, КПСС Марказий Комитети маданият бўлими мудирининг ўринбосари А. А. Беляев, КПСС Марказий Комитетининг сектор мудири К. М. Долгов иштирок этдилар.

И. ВЕКСЛЕР,
О. ОСИПОВ,
ЎзТАГ мухбирлари.

ЖАМИЯТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ СИСТЕМАСИНИНГ НЕГИЗИ

СССР Конституциясининг 10-моддасида «Ишлаб чиқариш воситаларининг давлат (умумхалқ) ва колхоз-кооператив мулки формасидаги социалистик мулклиги СССР иқтисодий системасининг негизидир» деб кўрсатилган. Давлат (умумхалқ) мулки бутун совет халқининг умумий бойлиги, социалистик мулкнинг асосий формасидир.

В. И. Ленин Октябрь революциясининг ғалабасидан кейин меҳнаткашларга мурожаат қилиб, бундай деган эди: «Ерларни, ғаллани, фабрикаларни, қуролларни, маҳсулотларни, транспортни кўз қорачиғидек эҳтиёт қилингиз, сақлангиз — буларнинг ҳаммаси бугундан бошлаб бутунлай сизнинг мулкингиз. Умумхалқ мулки бўлиб қолади». (Асарлар, 14-том, 36-бет).

Марксизм-ленинизм асосчилари ҳар қандай жамиятнинг ишлаб чиқариш усули шу жамиятда ҳукмронлик қиладиган ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиш формасига боғлиқ бўлади, деб кўрсатган эдилар. Демак, иқтисодий даврлар, жамият бир-биридан нималар ишлаб чиқарганлиги билан эмас, балки қандай усулда ишлаб чиқарганлиги, қандай меҳнат воситалари ёрдамида ишлаб чиқарилганлиги билан фарқ қилади.

СССРда асосан давлат (умумхалқ) ва колхоз-кооператив мулки мавжуд бўлиб, бу ҳақда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Олий Советининг навбатдан ташқари еттинчи сессиясида (1977 йил октябри) сўзлаган нутқида «...ишлаб чиқариш воситаларига социалистик мулкчиликнинг худди ана шу икки формаси халқ хўжалигимизнинг характерини ва совет жамиятининг икки дўст синф—ишчилар ва деҳқонларга бўлинишини белгилайди», деб кўрсатган эди.

Социализм шароитида давлат **(умумхалқ) мулкчилиги** етакчи роль ўйнайди, чунки социализмнинг моддий асоси бўлган йирик машиналаштирилган ишлаб чиқаришнинг табиати ишлаб чиқариш воситаларининг умумхалқ томонидан умумлаштирилишини талаб қилади. Шу сабабли ишлаб чиқариш воситаларига умумхалқ мулкчилиги ишлаб чиқарувчи кучлар ривожининг объектив эҳтиёжлари тақозоси билан вужудга келган бўлиб, ишлаб чиқариш воситаларини социалистик тарзда умумлаштиришнинг энг етук, олий формасидан иборатдир. Умумхалқ мулкчилиги халқ хўжалигидаги ҳамма ҳал қилувчи ишлаб чиқариш воситаларини: саноат, транспорт, алоқадаги барча ҳал қилувчи ишлаб чиқариш воситалари ва қишлоқ хўжалигидаги давлат корхоналари, банклар, давлат савдо корхоналари, уй-жой ва коммунал хўжаликлар ва бошқаларни ўз ичига олади. Ҳозирги кунда мамлакатимиз бўйича 44 мингдан ортиқ саноат корхоналари, бирлашма ва комбинатлар, 24 мингдан зиёд қурилиш ва монтаж қилувчи ташкилотлар, 19 мингдан кўп совхоз, 88,5 минг почта, телеграф, телефон корхоналари ва бошқалар бор.

1977 йил бошларида мамлакатимиздаги ҳамма халқ хўжалик тармоқлари бўйича асосий ишлаб чиқариш фондлари 870 миллиард сўмдан иборат бўлди ва унинг миқдори 1936 йилга нисбатан 20 баравар ошди. Республикада асосий фондлар суммаси 27 миллион сўмдан ошиб кетди. Давлат (умумхалқ) мулкини ташкил қилувчи бу фондлар бутун жамият эҳтиёжини қондириш учун, халқнинг маданий-маиший турмуш шароитини яхшилаш учун хизмат қилади.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг доимий ғамхўрлиги, мамлакатимиздаги барча халқларнинг ёрдами туфайли 60 йил ичида республикамизда жуда катта ишлаб чиқариш ва илмий-техника потенциали вужудга келтирилди. Саноат қурилишининг интенсив олиб борилганлиги мамлакатнинг энг йирик индустриал регионларидан бирига айланиш имконини берди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НОЯБРЬ (1978 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

Умумхалқ мулкчилиги ишлаб чиқариш воситаларининг мутлақ кўпчилигини бирлаштиради ва ҳамма меҳнат воситаларининг 90 процентга яқини унинг ҳиссасига тўғри келади.

Умумхалқ мулкчилигининг етакчи роли **колхоз-кооператив мулкининг** социалистик табиатини белгилаб беришда ҳам намоён бўлади, кооператив мулкчилик социалистик тус олади. Колхоз мулкчилиги умумхалқ мулкчилиги билан ўзаро алоқага кириши туфайли унинг ривожланиш процесси тезлашади. СССР янги Конституциясида «Давлат колхоз-кооператив мулкини ривожлантиришга ва уни давлат мулки билан яқинлаштиришга кўмаклашади» деб кўрсатилади.

Демак, колхозларни ривожлантиришда давлат уларга бевосита катта ёрдам беради. Давлат кенг миқёсда мелиорация ишларини амалга оширади, колхозларни электрлаштиради, уларга молиявий ёрдам беради, қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлайди. Давлат томонидан қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама ривожлантириш учун ўтган тўқкизинчи беш йилликда ҳаммаси бўлиб 131,5 миллиард сўм капитал-маблағ сарф қилинди. Ҳозирги вақтда колхоз-кооператив мулки сон ва сифат жиҳатдан ҳар томонлама ўсди ва ривожланди. Унинг асосий ишлаб чиқариш фондлари суммаси 183 миллиард сўмдан ошиб кетди. (Шу жумладан, Ўзбекистонда 8,7 миллиард сўм бўлди). Ўнинчи беш йилликда эса қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун 171,7 миллиард сўм капитал маблағ ажратилган.

Хўжаликлар жамъи 467 миллион тонна ўғит олиб, техника воситаларини етказиб бериш 1,5 баробар кўпаяди.

Бу каби кенг қамровли тадбирларнинг амалга оширилиши давлат мулки билан колхоз-кооператив мулки ўзаро мустаҳкам муносабатлари ривожланаётганлигининг ёркин далилидир.

КПСС Марказий Комитети июль Пленумида кўрсатилишича, 1965—1978 йиллар ичида қишлоқ хўжалик корхоналарининг энергетика қуввати 232 миллион от кучидан 525 миллион от кучига кўпайди, ёки икки баробардан зиёд ошди, колхоз ва совхозларда ҳар бир ходим меҳнатининг энергия билан таъминланиши эса 2,5 баробар ортди.

КПСС XXV съезди қарорларида ва ҳужжатларида партиянинг ўнинчи беш йилликда шаҳар ва қишлоқдаги социалистик ва маданий-маиший шароитларни яқинлаштиришдаги вазифалари аниқ кўрсатиб берилган. Бу вазифа ҳозирги шароитда қуйидаги йўллар билан амалга оширилмоқда: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва қишлоқ хўжалик меҳнатини индустриал меҳнатнинг бир турига айлантириш, колхоз-кооператив мулкини такомиллаштириш, қишлоқ аҳолиси моддий ва маданий-маиший даражасини янада ошириш.

Колхоз-кооператив мулкини такомиллаштиришда хўжаликлараро ва давлат-колхоз комплекслари ташкил этилиши ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, социалистик мулкнинг иккала формасини бир-бирига яқинлаштиришга катта ёрдам бермоқда.

СССР ўз кўлами жиҳатдан жуда катта халқ хўжалик комплексидирки, бу комплекс етук социализмга мувофиқ келадиган моддий техника базасига асосланади. КПСС XXV съезди ўнинчи беш йилликнинг асосий вазифаси — ижтимоий ишлаб чиқаришни узлуксиз ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, фантехника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, халқ хўжалигининг ҳамма бўғинларидаги иш сифатини ҳар тарафлама яхшилаш асосида халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини юксалтириш йўлини муттасил амалга оширишдан иборат вазифани аниқ белгилаб берди.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни тараққий эттиришнинг КПСС XXV съезди белгилаб берган улкан программаси амалга оширилиши ривожланган социалистик жамиятимиз ижтимоий мулк формаларининг янада ривожланишига олиб келади. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йилда социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги Мактубида ҳам «Самарадорлик ва сифат учун актив кураш — асосий ишлаб чиқариш фондларидан тўлиқроқ фойдаланиш, демакдир. Бу фондлар авлодлар меҳнати билан бунёд этилган бойлигимиздир, шу боисдан ҳам улардан тўла-тўкис фойдаланиш зарур», — деб кўрсатилади.

Б. УМАРОВ,
иқтисод фанлари кандидати.

ЁШЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

«МАЛИКА» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи қўлидан чиқаётган турли-туман кийим-кечаклар ўзининг харидорбоплиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам унинг маҳсулотларига бўлган эҳтиёж йил сайин ортиб бормоқда. Буни яхши тушунган корхона чеварлари трикотаж буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ассортиментини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш учун тинмай кураш олиб бормоқдалар.

Бирлашма цехларида маҳсулот сифати муттасил яхшиланиб бормоқда. Шу кунларда болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган буюмларнинг 18 тури Сифат белгиси билан чиқарилмоқда, 3 тури эса олимпиада белгиси билан тайёрланмоқда. Коллектив болалар учун мўлжалланган трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш топшириқларини муттасил ортиги билан адо этмоқда. Бунинг учун ички резерв ва имкониятлардан кенг фойдаланиляпти. Энг яхши ишчи кучлари болалар учун мўлжалланган буюмлар ишлаб чиқаришга жалб этилган. Чунки, мамлакатимизнинг ёш гражданлари учун тикилаётган либослар улар кийганда қувонадиган, бежирим, кўркам ва сифатли бўлиши зарур.

Бунинг натижасида харидорбоп болалар трикотаж кийимлари ишлаб чиқариш йил сайин кўпайиб бормоқда. Шу йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида пландагидан ташқари салкам 300 минг дона ички трикотаж тайёрланди. Қўшимча ишлаб чиқарилган устки трикотаж либослари миқдори эса 372 минг донани ташкил этди. Сўнгги йилларда болалар-нинг соғлом ўсиши учун жуда зарур бўлган пахта толасидан тўқилган трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам кўпайиб бормоқда. Биргина шу йилнинг ўзида бундай кийимлардан ўн неча миллион дона тайёрланиб, савдо шоҳобчаларига етказиб берилди. Пландагига қўшимча эса 372 минг дона пахта толали трикотаж кийимлари тикилди.

Бирлашманинг болалар кўйлаклари тикув цехи коллективи иши тақдирга сазовор бўлмоқда. Цех ишчилари, бригадалари ва сменалари ўртасида ишнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини яхшилаб бориш учун мусобақа тобора авж олмоқда. Унда иштирок этаётган қатор коллективлар ва айрим чеварлар топшириқларини анча ортиғи билан бажаришга муваффақ бўлмоқдалар.

Бирлашма коллективи болалар маҳсулотига бўлган талабни олдиндан ўрганиш учун савдо тармоқлари билан мустаҳкам алоқа боғлаган. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида Тошкент шаҳридаги йирик савдо шоҳобчаларида 6 та кўргазма ташкил этилди. Биргина болалар дунёси савдо комплексида 3 марта шундай кўргазма ўтказилди.

Чеварлар КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Болалар учун моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини ошириш, шу моллар савдосини яхшилаш тадбирлари тўғрисида» қабул қилган қарорини зўр маънонят билан кутиб олдилар. Чунки бу муҳим ҳужжатда болалар учун турли хил кийим-кечаклар ишлаб чиқаришни планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришни янада яхшилашнинг йўл-йўриқлари очиқ-ойдин кўрсатиб берилган.

— Бу қарор айни муддао бўлди, — дейди бирлашма ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Рустам Ғуломов. — У Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг мамлакатимиз ёш гражданлари ҳақида, уларнинг ҳар томонлама жисмоний ва маънавий камол топиши ҳақида тинмай қилаётган ғамхўрликларининг яна бир ёркин мисолидир. Шунинг учун ҳам коллективимиз бу қарорни зўр ҳурсандчилик билан кутиб олди. Унда болалар учун турли-туман кийим-кечаклар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бу бирлашмамиз чеварлари зиммасига ҳам юксак масъулият юклайди. Шунинг учун ҳам ҳозирданоқ ишчи-хизматчиларимиз ана шу қарорга амалий иш билан жавоб бериш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ҳақиқатан ҳам шу кунларда бирлашма цехларида бўлсангиз, гайрат-шижоатга тўла меҳнатнинг гувоҳи бўласиз. Болалар учун трикотаж буюмлари ишлаб чиқараётган коллективлар ва айрим чеварлар зўр кўтаринки руҳ билан ишлашяпти. Пешқадам трикотажчилардан М. Музаффарова, З. Пардабоева, Р. Тастанова, Ҳ. Азимова ва бошқалар шулар жумласидандир. Улар смена нормаларини 120—130 процентдан бажариб келишган бўлса, янги қарордан сўнг бу кўрсаткични ками билан 150 процентга етказиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

З. ЖЎРАЕВА,
Ҳ. ТОЖИМАТОВ.

Тошкентдаги «Геологоразведка» заводи коллективи геология кон-пармалаш асбоб-ускуналарини ремонт қилади. Суратда: корхона капитал ремонт участкаси зарбдор слесарларидан Павел Клачков ва Геннадий Пугачёв ўртоқлар «Зиф-1200» станогини ремонт қилишяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

ЛИМОНЗОРДА ПИШИҚЧИЛИК

«Коммунист» колхозининг теплица хўжалигида баҳор нафаси уфуриб турибди. Бу ерда авжи пишиқчилик. Колхозчилар ҳар куни шаҳарликлар дастурхонига кўплаб цитрус маҳсулотлари, помидор, бодринг ва резаворлар етказиб беришмоқда.

Теплица хўжалигининг 0,5 гектар майдонини лимонзорлар ташкил қилган. Бу ерда ҳам авжи пишиқчилик. Цитрусчилар ҳар куни ўрта ҳисобда 6,5 минг донадан лимон сотишмоқда.

— Лимон ҳосили бу йил, айниқса, мўл бўлди, — дейди бригада бошлиғи Сиддиқ Ўрмонов. — Ҳозиргача давлатга 113 минг донадан кўпроқ лимон етказиб бердик. Бу йиллик планда кўзда тутилганидан анча кўпдир.

Теплица хўжалигида лимон ҳосили етиштириш ва пишиб етилган маҳсулотни териб давлатга топширишда ота-бола Тўхтамурод ва Дилмурод Султонмуродовлар гайрат-шижоат кўрсатишяпти. Уларнинг сидқидилдан қилган меҳнатлари туфайли маҳсулот истеъмолчиларга сифатли етказиб берилаётир.

ПИСКЕНТЛИКЛАР МЕҲНАТИ — ЖАСОРАТ НАМУНАСИ

УЮШҚОҚЛИК, ЮКСАК ИНТИЗОМ — ЮТУҚ ОМИЛИ

С. САЙДАЛИЕВ,
Пискент район партия комитетининг биринчи секретари.

ТАБИАТ бу яқин йиллар ичида деҳқонлар, айниқса пахтакорлар олдига бу қадар кўп муаммоларни кўндаланг қилиб қўймаган эди.

Бу йил, айниқса, биз пискентликлар учун жиддий синов йили бўлди. Уюшқоқлик, тадбиркорлик билан иш кўрган колхозчилар ва совхоз ишчилари, айтиш керакки, бу синовдан муваффақият билан ўтдилар. Гап шундаки, табиий офат бизнинг районимизга кўп зиён келтирди. Чигитни ўз вақтида экиб олдик-ку, бироқ, обиҳаво ноқулай келганлиги сабабли 25 апрелдан 5 майгача бўлган давр ичида 3 минг гектар ерга қайта чигит экилди. Кўп ўтмай яна дўл, жала ёғди. Бир ярим минг гектар ерга қайтадан чигит экдик. Бу иш 15—18 май кунлари амалга оширилди.

Лекин 2 июндан 3 июнга ўтар кечаси бўлиб ўтган қаттиқ дўл туфайли салкам 5 минг гектар ердаги ғўза шикастланди. Шундан 3650 гектари, айниқса, қаттиқ шикастланган эди. Бу экин майдонларининг икки ярим минг гектари 2-«Пискент» совхозига тўғри келди.

Аҳвол анча мушкул эди. Лекин пахтакорларимиз сира тушкунликка тушмадилар. Тажрибакорлар, кекса деҳқонлар, мутахассислар билан маслаҳатлашиб иш олиб бордик. Ғўзаси шикастланган айрим майдонларга қўшимча ишлов бериш кўчайтирилди. Қайта чигит экиш қисқа муддатда ўтказилди.

Ҳар бир колхоз ва совхозда махсус тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу тадбирларда ғўзаси шикастланган бригадаларга конкрет ёрдам бериш кўзда тутилган эди. Район партия комитети вакиллари бу тадбирларнинг амалга оширилишини қаттиқ назорат қилиб бордилар. Кечки ғўзаларни парвариш қилиш, озиқлантириш, культивация қилиш ишлари сифатли ўтказилди. Энг муҳими шуки, илгор хўжаликлар бу йилги қийин шароитда ҳам ҳар жиҳатдан намуна кўрсатдилар.

Ғўзанинг бироз кечки бўлиб қолганлигини ҳисобга олмаганда асосий майдонларда мўл ҳосил тўпланди.

Ингим-теримни табақалаштирган ҳолда ўтказишга қарор қилдик. Кучлар бирлаштирилди. Қаерда ғўза кўпроқ очилган бўлса, ўша ерга машина ва ишчи кучлари тўла сафарбар этилди. Лекин кечки ғўза, кечки-да! Суръат дастлабки кунларда ҳа деганда кўтарилавермади. Яширишнинг ҳожати йўқ, айрим одамлар бу аҳволда маррага етаолмасак керак, деб умидсизликка тушиб қолдилар. Ана шунда агитаторларимиз, пропагандистларимиз ,сиёсий ташкилотчиларимиз оммавий-сиёсий ишларни кучайтириб юбордилар. Улар доноларнинг «умидсиз бўлманг, ўмидсизлик — юракни кемиради, умидсизлик — кучгайратни бўшаштиради, умумидсизлик ташаббусни сўндиради» деган гапларини ҳар бир пахтакор, ҳар бир дала механизаторлари онгига етказдилар. Кўсаклар очила борган сари далаларда иш қизиб кетди, кейинроқ бориб суръат ҳам анча кўтарила борди.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари ҳар бир колхоз ва совхозда терим юзасидан белгиланган графикларнинг тўла ошириб бажарилиши учун зарур тадбирларни амалга оширдилар. Теримни уюштириш бўйича тузилган штабнинг жойлардаги вакилларидан ҳар куни кечкурун олинган маълумотлар умумлаштирилиб, илгор тажрибалар оммалаштирилди, камчиликларни тугатиш бўйича зудлик билан чоралар кўрилди. Коммунист ва комсомоллар теримда жонбозлик кўрсатиб, авангард бўлдилар. Жуда кўп механик-ҳайдовчиларимиз, кўп минг килограммчи теримчилар, ҳашарчилар элнинг ҳурматига, олқишига сазовор бўлдилар. Теримни ипатоволиклар методи асосида ташкил этганлигимиз катта фойда келтирди.

«Гулистон» колхози миришкорлари ҳар йилдагидек бу йил ҳам теримда бошқаларга намуна кўрсатдилар. Бу хўжалик деҳқонлари районда биринчи бўлиб маррага етиб келдилар. Улар ҳар гектаридан 32 центнердан ошириб ҳосил топширибгина, август ойининг охиридаёқ планни бажариб қўйган эдилар. Шундан кейин ҳам суръатни бўшаштирмадилар. Юксак социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширишни қизғин давом эттирдилар.

Терим айни қизғин кунларда матбуотда республика партия ва ҳукуматининг Мурожаати эълон қилинди. Мурожаатни ҳамма колхоз ва совхозда муҳокама қилиб чиқдик. Теримни янада кучайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиландик. Мурожаат — даъваткор куч сифатида деҳқонларни янги меҳнат жасоратларига отлантирди. Бирикетини хўжаликлар маррага етиб кела бошладилар. Тельман номли, Калинин номли, Свердлов номли, Ленин номли, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозларининг азамат пахтакорлари барча куч ва имкониятларини сафарбар этиб, планни муваффақиятли бажардилар, 1-«Пискент» ва 2-«Пискент» совхози пахтакорлари ҳам етиштирилган ҳосилнинг сўнгги граммларигача йиғиб-териб олиш учун курашмоқдалар.

Республика партия ва ҳукумати, область партия комитетининг кундалик ёрдами, колхозчилар, совхоз ишчиларининг қаҳрамонона меҳнати, Олмалиқ шаҳри ва областимизнинг бошқа шаҳарлари ва районларидан келган ёрдамчилар, студентлар, мактаб ўқувчиларининг мадади туфайли бу йилги қийин шароитда планни бажаришга муваффақ бўлдик. Давлатга 41 минг тоннага яқин «оқ олтин» етказиб берилди. Жуда кўп бригадалар омилкорлик билан иш юритиб, районнинг ютугига салмоқли ҳисса қўшдилар. «Гулистон» колхозидан Уктам Рисқулов, Тельман номли колхоздан Назира Алимбоева, Ҳакимполвон Қодиров, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозидан Абдуғани Эшонов сингари ўтоқлар гектаридан 35—48 центнердан ошириб хирмон кўтардилар.

Бугун план бажарилган кунда Пискент пахта тозалаш заводи ишчи ва хизматчиларининг меҳнати алоҳида тақсинга сазовор эканлигини қайд этиш лозим. Бу ерда махсус қуритиш, тозалаш цехлари тўла қувват билан ишлаб турди. Колхоз ва совхозлардан келтирилган кўсаклар шу ернинг ўзида чувилиб, тозаланиб, қуритилиб бунтларга жойланди.

Пискентликлар эришилган ютуқни амалий меҳнатлари билан мустаҳкамлайдилар. Далаларда пешона тери тўкиб етиштирилган «оқ олтинимиз»нинг сўнгги граммигача тежаб-терлаб олинишига тинимсиз ҳаракат қилмоқдалар. Келгуси йилга тайёргарлик ишларини ҳам уюшқоқлик билан утказамиз.

Дунё овози

Чет эл хабарлари

ЖАҲОН ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

Жаҳон матбуоти Совет—Афғонистон музокаралари тамом бўлганлигини, Кремлда СССР билан Афғонистон Демократик Республикаси ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома, шунингдек иқтисодий ҳамкорлик масалалари билан шуғулланувчи Совет—Афғонистон ҳукуматлараро доимий комиссияни таъсис этиш ҳақида СССР ҳукумати билан Афғонистон Демократик Республикаси ўртасида тузилган Битим имзоланганлигини хабар қилади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Кремлдаги зиёфат вақтида сўзлаган нутқида икки ўртада тузилган Шартнома жуда муҳим сиёсий ҳужжатдир, бу ҳужжат Совет—Афғонистон дўстлигини янада мустаҳкамлаш учун асос бўлибгина қолмай, Осиёда, шу жумладан бутун жаҳонда тинчлик ва хавфсизлик манфаатларига ҳам хизмат қилади, деган эди. Газеталар Л. И. Брежневнинг шу сўзларини қайд қилиб ўтмоқдалар.

Венгриянинг «Непсабадшаг» газетаси қуйидагиларни ёзади. Совет Иттифоқида Афғонистоннинг ташқи сиёсий йўлига, тинчлик, блокларга қўшилмаслик сиёсатига, барча мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш, низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш сиёсатига иззат-ҳурмат билан қаралмоқда. Афғонистон Демократик Республикасидан келган азиз меҳмонларнинг Москвага қилган визити, дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Совет—Афғонистон Шартномасининг имзоланиши ҳар икки давлат ўртасида дўстона муносабатларни ва яхши қўшничилик ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим босқичдир.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Н. Тараки шарафига берилган зиёфатда сўзлаган нутқида янги жаҳон урушининг чиқишига йўл қўймаслик ҳозирги шароитдаги бош вазифадир, мабодо шу уруш ер юзининг ҳар қандай нуқтасида бошланғудек бўлса, бутун инсоният учун даҳшатли кулфат бўлур эди, деб таъкидлади. Совет Иттифоқи халқаро кескинликнинг юмшатилиши кенгайиб, чуқурлашиб бориши учун, бу жараённи планетанинг энг кўп аҳоли яшайдиган қитъаси бўлмиш Осиёга ҳам ёйиш учун курашмоқда, деб уқтириб ўтади «Нойес дойчланд» газетаси (ГДР).

Болгарияда чиқадиган «Работническо дело» газетаси совет раҳбарининг башарти социализм мамлакатлари бир томонлама қуролсизланиш йўлига ўтсалар, империалистларнинг ўзлари орзиқиб кутган устунлик кучи позицияга эришишига имкон берган бўлур эдилар, бу эса тинчликка яхши хизмат бўлмас эди, деган гапларига эътиборни жалб этади.

Польшанинг «Трибуна люду» газетаси КПСС ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларининг бориши тўғрисида Москвадаги ўз мухбирининг мақоласини босиб чиқарди. Мақолада таъкидлаб ўтилишича, миллионларча совет коммунистларининг фаолияти совет жамиятининг қудратли бунёдкор кучидир.

Чехословакияда чиқадиган «Руде право» газетаси Башингтоннинг нейтрон қурол асосий қисмларини ишлаб чиқариш тўғрисидаги қарорини кескин танқид қилади.

Франциянинг «Фигаро» газетаси Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлган мамлакатлар давлат ва ҳукуматлари бошлиқларининг иштироклари билан Брюсселда ўтказилган Европа ҳамжамият кенгаши икки кунлик сессисининг якунлари тўғрисида умидсизлик билан ёзади. Бу сессияда Европа иқтисодий ҳамжамияти доирасида «Европа валюта системаси»ни вужудга келтириш масаласи муҳокама қилинган эди. Франциянинг «Матэн» газетаси сессия қатнашчилари бу системани вужудга келтириш масаласида бирликка эриша олмадилар, деб уқтириб ўтади.

(ТАСС, 6 декабрь).

ТИНЧЛИК ВА МУСТАҚИЛЛИК УЧУН

БУДАПЕШТ. (ТАСС). Социалистик Эфиопия муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши ва Министрлар Совети раиси Менгисту Хайле Мариамнинг ВХРга қилган расмий дўстона визити тўғрисида бу ерда эълон этилган ахборотда ВХР билан Эфиопия ўртасида муносабатлар муваффақиятли ривожланмоқда дейилади.

Ҳужжатда, халқаро кескинликнинг юмшатилиши барча халқларнинг манфаатларига хизмат қилиши таъкидлаб ўтилган. Томонлар қуролланиш пойгаси ва оммавий қирғин қуролларининг бошқа турларини, шу жумладан нейтрон бомбани ишлаб чиқариш йўли билан кескинликни кучайтираётган империалистик кучларни қоралайдилар.

Венгрия билан Эфиопия Яқин Шарқ проблемасини кенг кўламда ва адолатли тарзда бартараф этиш учун барча манфаатдор томонлар, шу жумладан Фаластин озодлик ташкилоти иштирок этишини зарур деб ҳисоблайдилар. Улар Кэмп-Дэвидда тузилган сепарат битимларни қоралайдилар. Бу битимлар шу районда кескинликнинг кучайишигагина хизмат қилади.

Ахборотда таъкидлаб ўтиладики, империализм ҳамда реакция кучлари билан очиқдан-очиқ тил бириктирган Хитой раҳбарларининг экспансиячилик сиёсати тинчлик, миллий мустақиллик ва ижтимоий тараққиёт ишига зарар етказади. ВХР билан Эфиопия Пекин раҳбарларининг ВСРга қарши қилинган буюк давлатчилик муддаоларини қоралайдилар.

НАТОНИНГ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШИ БИЛАН

ЛОНДОН. 6 декабрь. (ТАСС). Чили фашист ҳунтаси Жанубий Африка ирқчилари сиймосида савдо-сотиқ соҳасида янги шерик ва ҳарбий иттифоқчига эга бўлди.

Иоганнесбургда чиқадиган «Файнэншл мейл» газетасида босилган маълумотларга қараганда, кейинги икки йил ичида ирқчи Жанубий Африка республикасининг Чилига қилган экспорти уч баравар кўпайган ва 1977 йилда 3,9 миллион долларга етган, шу йилнинг дастлаби олти ойи мобайнидагина эса хунта Жанубий Африка республикасидан 2 миллион долларлик мол олган. Сантъягода очилган сўнгги савдо ярмаркасида Жанубий Африкадаги 30 га яқин фирма қатнашган. Бу фирмалар бир қанча катта битимларни тузганлар.

Ҳар икки мамлакат ҳарбийлари ўртасидаги алоқалар гоят кенгайиб борянти. Пиночет тўдаси мавжуд яширин битимлар доирасида «партизанлар билан кураш» олиб бориш методларини АҚШда ўрганиб олган солдатларни Претория ихтиёрига юборган. Улар Жанубий Африкадаги жазо отрядларига ўз «тажрибаси»ни ўргатиб, Намибияда улар билан биргаликда қонли ёвузлик қилмоқдалар. Чили фашистлари НАТО мамлакатларидан олинган хилма-хил қурол-яроғларни ҳам Жанубий Африка республикасига етказиб бермоқдалар.

Бу блокнинг стратеглари ирқчи Жанубий Африка республикаси билан Пиночет қўл остидаги фашист хунта иттифоқини ҳар қандай йўллар билан рағбатлантирмоқдалар ва бу иттифоқни Латин Америкасидаги бошқа диктаторлик режимлари ҳам иштирок қиладиган янги реакцион блокнинг куртаги, деб биладилар. Бу иттифоқ учун «Жанубий Атлантика шартномаси ташкилоти» (САТО) деган номни ҳам топиб қўйдилар. Блок Африканинг жанубида ҳам, Латин Америкасида ҳам миллий озодлик курашини бостиришда реакция кучларини бирлаштириши, Жанубий Атлантика районида империализм қалъасини мустаҳкамлаши лозим.

КАЛЬКУТТА МЕТРОСИНИНГ ҚУРИЛИШИ

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистон Ғарбий Бенгалия штатининг маъмурий маркази — Калькуттада метро қурилиши суръатлари ошмоқда. У Ҳиндистонда биринчи ер ости магистрали бўлади.

Штат Бош министри Ж. Басунинг айтишича, кўп миллионли аҳолиси бўлган шаҳарда метрополитен қурилишининг муҳим аҳамияти бор.

Линиянинг жами узунлиги 16,5 километрга боради. Шаҳарнинг уй-жой районларида 17 та станция қуриш кўзда тутилган. Метро вагонларининг ҳаммаси Ҳиндистонда, Мадрасдаги давлат вагонсозлик заводида тайёрланади.

Калькутта метрополитени Совет-Ҳиндистон ўзаро манфаатли ҳамкорлиги объектларидан биридир. Совет Иттифоқи метро лойиҳасини тайёрлашда Ҳиндистонга ёрдам берди. СССР хилма-хил техника ва ер кавлайдиган машина-ускуналар етказиб бериб турибди, совет мутахассислари эса шу техникани ўзлаштиришда Ҳиндистонлик ишчиларга ёрдам бермоқдалар.

Планга мувофиқ метрополитеннинг биринчи навбати 1984 йилга бориб қуриб битказилади.

ТЕХНИКА — ДЕҲҚОН ҚАНОТИ

Техникага суянган, унинг жилови маҳкам тутган деҳқон сира ҳам ютқазмайди. Бу айни ҳақиқат. Районимиз пахтакорларининг бугун кўлга киритган катта меҳнат ғалабаларида ҳам, шак-шубҳасиз, техника имкониятларидан кенг ва тўлиқ фойдаланилганлиги ҳал қилувчи омил бўлди.

Колхозимиз пахтакорлари район хўжаликлари орасида биринчилар қатори ғалаба маррасига етиб келишди. Эришилган меҳнат муваффақиятига бизнинг Илҳом Миянов етакчилик қилаётган бригада коллективи ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Техника имкониятларига кенг суянган бригадамиз аъзолари давлатга пахта сотиш халқ хўжалик йиллик планини саккиз иш кунида бажардилар. Мавжуд 66 гектар пахта майдонидан мўлжалдагидан ортиқ «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Асосий ҳосил, яъни 150 тонна пахта «зангори кема» бункерларидан тўкилди.

Ҳамкасбим А. Қўшаев билан саккиз кунда 150 тонна пахта тердик. Очиғини айтганда, бундай натижалар аввало, техниканы ўз вақтида профилактик қаровдан чиқариш, вақтдан унумли фойдаланиш туфайли кўлга киритилди. Биргина бизнинг бригадамизда эмас, хўжалигимизнинг бир қатор пахтачилик коллективларида ҳам машина терими туфайли пахта сотиш плани муддатидан илгари адо этилди. Колхозимиз дала гвардиячилари шу кунгача машина терими планини 103 процентдан ошириб бажардилар.

Бригадамиз пахтакорлари далаларда етиштирилган мўл пахта ҳосилининг бир мисқолини ҳам нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун барча куч ва имкониятлардан оқилона файдаланишяпти. Бригадамиз бўйича ҳосилдорлик 30 центнердан ошиб кетди. Шундай бўлсада, ҳамон далаларда ҳаёт қайнамоқда. «Оқ олтин» ҳосилини йиғиштириб олиш суръати сира ҳам бўшаштирилгани йўқ. Хўжалигимизда кўрак териш, кўсак чувиш агрегатлари юксак унум билан ишлаб турибди.

А. ПУЛАТХОНОВ,
Тельман номли колхознинг механик-ҳайдовчиси.

Бу йилги об-ҳаво шароитида кўп минг килограммчи теримчилар ҳам пахтазорларда жасорат кўрсатишиб, етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай йиғиштириб олишда жуда катта ёрдам бердилар. Калинин номли колхознинг Пискент районида биринчилар қатори ғалаба маррасини эгаллашида ана шундай чевар теримчиларнинг ҳиссаси беқиёс бўлди. Суратларда: мусобақа ғолиби бўлган М. Чинтошева, Т. Қўчқорова ва Х. Мустафоқуловаларни кўриб турибсиз; далаларда машина терими пайти.

А. Тўраев фотолари.

ЯХШИНИНГ ШАРОФАТИ

АБДУҒАНИ аканинг одати қизиқ. Юзаки қараганда «дунёни сув олса тўпигига чиқмайдиганлардан кўринади. Бошқа бригадирлар куйиб-пишиб юрганида ҳам у хотиржам кайфиятини бузмай, ишни бир йўсинда бамайлиҳотир бошқаради.

Бу йилги об-ҳаво шароитида ташвишли, машаққатли кунлар кўп бўлди. Бутун куч — техника-ю,— колхозчилар далада. Табиат ўжарлиги билан чинакамига кураш давом этди. Ёмғир кетидан жала, жала кетидан дўл ёққан бўлса ҳам колхозчилар орқага чекинмай фидокорона меҳнатни давом эттиравердилар. Карталар бир неча марта бузилди, қайтадан чигит экилди. Мурғак ниҳолларни авайлаб, об-ҳаво ҳружжига бардош бера оладиган даражага етказиб олингунгача, хеч ким тиним билмади. Бу орада мутахассислар, раҳбарлар, механизаторлар ўртасида қанчалан қанча тортишувлар бўлиб ўтмади, дейсиз.

Ана шундай долзарб кунларда, ҳосил тақдири ҳал бўлаётган пайтларда ҳам Абдуғани ака гўё ҳеч нарса бўлмаётгандек бамайлиҳотир юрган кўринарди. Аслида эса кўп йиллик тажрибасига таяниб, шу йиллар давомида кўрган билганларини кўз олдидан қайта ўтказиб, ўзича зарур тадбирлар режасини тузиб, бригада аҳли билан биргаликда беками-кўст амалга ошириб борди.

Қийинчиликлардан қўрқмайдиган, ютуқлардан ортиқча ҳаволаниб кетмайдиган бригадирнинг тутган йўли накадар тўғри эканлиги тез орада кўриниб қолди. Аввалари, мажбурият у ёқда турсин халқ хўжалик планини ҳам мунтазам бажармай келадиган колоқ бригада далаларида яшнаб, барқ уриб ривожланаётган ғўза ниҳолларининг авжи колхоз раҳбарлари-ю, барча мутахассисларни қойил қолдирди.

Абдуғани ака ўз ёки бу ишни амалга оширишдан аввал ҳовлиқишни, ҳаммага маслаҳат солаверишни ёқтирмайди. Унинг ўрнига тинимсиз дала кезади. Картама-карта юриб, ғўзаларни обдон кузатади. Ўзи бир қарорга келгач, сўнг механизаторга, сувчига ёки колхозчиларга иш буюради ва бу билан чекланиб қолмай, ўзи ҳам ишга киришиб кетади. Айниқса, сифат масаласига жиддий эътибор беради. Шунинг учун ҳамма карталардаги ниҳоллар бир текис ривожлантирилиб, барча далаларда кўчатнинг тўлиқ бўлиши таъминланди.

Бригадада йиғим-теримга ҳам ҳар томонлама пухта хозирлик кўрилди. Абдуғани ака терим агрегатларидан тортиб хирмонжой, йўлларгача тахт бўлиб туришини шахсан ўзи назорат қилди. Машина теримини бошлаш муддатини аниқ белгилаб, хўжалик раҳбарлари олдида ўз фикрини ўтказа олди. Хуллас, ҳамма иш ўз маромида сифатли ўтказилганлиги натижасида бригада хеч ким кутмаган ғалабага эришди.

Қатор йиллар давомида карвоннинг охирида юрган коллектив хўжаликда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини бажарди ва қолоқлик доғини ювди. Бригада рапорт берганида колхоз ҳали ярим йўлда эди. Агар бу йилги шароитни ҳисобга олсак, бригаданинг ютуғи накадар кувончли эканлиги ўз-ўзидан маълумдир.

Буни тўғри тушунган колхоз правлениеси ҳам ғолиб бригада аъзоларини ҳар томонлама рағбатлантириб, уларнинг руҳини кўтаришга ҳаракат қилди.

Дастлабки эришилган ютуқ канчалик кувончли бўлмасин, Абдуғани ака бригада аъзоларини ортиқча шов-шувларга берилмасликка, аксинча ишни аввалгисидан сусайтирмай давом эттириб, ҳосилнинг сўнгги граммини ҳам ерда колдирмай йиғиштириб олишга чиқади. Шундан сўнг ер шароитини ҳисобга олиб 30 центнер юзасидан қабул қилинган социалистик мажбурият ҳам шараф билан бажарилди.

Райондаги раҳбар ташкилотлар томонидан ажратилган кўпгина мукофотлар колхоз правлениесининг қарори билан шу бригада коллективига берилди. Бир неча гилам ва гилам-поёндозлар, бошқа қимматбаҳо буюмлар бригадирнинг тавсияси билан чигитни экишдан бошлаб, унга ёз бўйи ишлов беришда, терим мавсумида кунлик ўсишнинг юқори бўлишини таъминлашда жонбозлик кўрсатган механизатор, сувчи ва оддий колхозчиларга берилди. Колхоз беш кунликлар якунида районда биринчи ўринни олиб, енгил автомашина билан мукофотланганида ҳам бу машина шу ғолиб бригадага берилди. Бироқ, Абдуғани ака машинанинг эгасини танлашга шошилмали. Даладаги ҳосилнинг ҳаммаси сарамжонлаб олиниб, йилга якун ясалгунича тўхтаб туришни афзал кўрди. Бригада аъзолари шу нарсага қаттиқ ишонадиларки, мукофотга олинган машина хеч шубҳасиз муносиб кишига берилади.

Бугунги кунда Пискент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозида ким билан суҳбатлашманг, жонкуяр пахтакор сифатида биринчи бўлиб Абдуғани Нишонов номини тилга олишади.

— Яхшининг шарофати деганларидек. Абдуғани ака сингари ишнинг кўзини биладиган, иродали бригада бошлиқлари қанчалик кўп бўлса, ўша ерда муваффақият бўлаверади,— дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Абдунаби Абдурахмонов.— А. Нишонов асли механизатор. У кўп йиллардан бери хўжалигимизнинг машина-трактор паркига раҳбарлик қилиб келган. Биз уни энг қолоқ бригадага бошлиқ қилиб янглишмаган эканмиз. У бизнинг ишончимизни тўла оқлаш билан бирга колхозимизнинг ҳам бу йилги шароитда биринчилар қатори маррага етиб келишига жуда катта ҳисса қўшди.

Дарҳақиқат, III-даражали меҳнат шуҳрати ордени кавалери Абдуғани Нишонов қолоқ участкага ўтиб ишлаш ташаббусини бошлаб колхозга жуда катта наф келтирди. Бунинг эвазига эса ўзи ҳам кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди.

А. САМАДОВ.



ЛАОС Халқ Демократик Республикаси эълон қилинганига уч йил тўлди. Ёш давлат ҳозирда янги ҳаёт қуриб, иқтисодий-социал ривожланишнинг кенг программасини амалга оширмоқда. Лаосда қишлоқ хўжалиги ва саноат мувaффақиятли ривожланмоқда, саводсизликка қарши кураш авж олдирилмоқда, мактаблар, билим юртлари, медицина муассасалари халқ хизматида. Халқ ҳокимияти социалистик жамият негизларини қуриш йўлидан борибб, мамлакат экономикасини қайта бунёд этиш ишларини изчил давом эттирмоқда. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар халқ хўжалигини тиклаш ва малакали кадрлар тайёрлашда Лаосга катта ёрдам бермоқдалар.

Суратда: Намгун электростанциясн.

Н. Акимов фотоси. ТАСС фотохроникаси.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

БАЛЛИ, ХАШАРЧИЛАР

ОРЖОНИКИДЗЕ район меҳнаткашлари Бўка ва Чиноз пахтакорларига етиштирилган мўл-кўл ҳосилни йиғиб-териб олишда актив кўмаклашмоқдалар. Райондаги бир қатор хўжаликлар, ўқув юртлари ва мактаб ўқувчилари бўкалик пахтакорларнинг социалистик мажбуриятига, чинозлик заршуносларнинг планларини бажарилишига ўзларининг муносиб улушларини қўшдилар. Оржоникидзе ГЭС тизмаси, «Узсельхозтехника» район бирлашмаси «Химик», «Қибрай», «Оржоникидзе» совхози ишчиларини, «Октябрь» ва «Маданият» колхози аъзоларини, ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари, шифокорлар ва ҳаваскорлар, маиший хизмат ходимларини шу кунларда областимизнинг ана шу икки райони хўжаликларида учратиш мумкин.

«Красний водопад» тажриба таянч хўжалиги ходимлари Бўка районидаги «Бўка» совхози пахтакорларига кўмаклашмоқдалар. Сўнгги толалар учун кураш бораётган ҳозирги пайтда Э. Лидибоев, В. Ҳайдархонов, Г. Гашлама сингари хашарчилар сидқидилдан меҳнат қилиб, ҳамкасблари ўртасида бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози пахтакорлари эл-юрт олдида берган ваъдаларининг устидан чиқишида 161-ҳунар-техника билим юрти ўқувчиларининг ҳам улуши бор. Ўқувчилардан М. Мирзаева, М. Исмонов, Р. Шодалиев, М. Юнусова, Қ. Дўстжонова, Г. Авазова сингари ҳашарчилар шу кунларда ҳам кунлик нормаларини ошириб бажаришмоқда.

САБЗАВОТКОР

ЕЗГАН КИТОБ

ЛЕНИН ордени, Октябрь революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, машҳур сабзаводчи Абдураҳим Шерматов номини қишлоқ меҳнаткашлари ифтихор билан тилга олишади. А. Шерматов мўл-кўл ҳосил етиштиришда катта тажриба тўплаган уста сабзаводчилардан бири ҳисобланади.

Яқинда «Ўзбекистон» нашриётн «Қорасув» совхозининг ихтисослаштирилган сабзаводчилик бригадаси бошлиғи А. Шерматовнинг «Ер саховати» номли китобини босмадан чиқарди. Муаллиф автобиографик бу китобчада дастлабки коллективлаштириш йилларида ўтган болалик чоғлари, Улуғ Ватан урушидаги кечирмалари, шаҳарликлар дастурхонига мўл-кўл ноз-неъматлар етказиб беришдаги тўпланган лажрибалари ҳақида ҳикоя қилади.

Суратда: Зокиржон Султонов янги топган пластинкаларини граммафонда эшитиб кўрмоқда.

Оҳангарон шаҳрининг Хонобод кўчаси 96-уйда истиқомат қилувчи Камолхон Комилов билан бўлган учрашув Зокиржон учун мароқли бўлди. Камолхон ака уйида йиллар давомида ардоқлаб келаётган граммафонини, Тўйчи Ҳофиз, Мулла Шобарат, Ҳамроқул қори каби халқ меҳрини қозонган катта ашулалар соҳибларининг овози ёзилган пластинкаларни санъаткорга ҳадя этди. Зокиржон уйига қайтгач граммофонда бу ҳофизлар ижросидаги «Айтай боди сабога», «Савти баёт бир», «Савти баёт икки» қўшиқларини қайта-қайта қўйиб эшитди.

У ўз фонотекасининг дурдоналар хазинасига айланаётганлигидан беҳад қувонади. Шу билан бирга бу шодлигини кекса, таниқли санъаткорлар билан баҳам кўришга интилди. Зокиржоннинг бебаҳо санъат хазинасига Ҳалима Носирова, Мукаррама опа, Тамараҳоним, Илья Маллаевлар катта улуш қўшишди. Улар ўзларида сақланаётган пластинкаларни З. Султоновга беришди. Шу тариқа Зокиржонга ҳам хонадони республикамизда Октябрь қуёши балқиган янги давр қўшиқлари диёрни севишга, Ватанни ардоқлашга, муҳаббатни улуғлашга чорловчи қўшиқлар таронасига тўлиб борди. Санъаткор пластинкаларидаги овозларни лентaларга кўчириб янада абадийлаштираверди. Ҳозир Зокиржон фонотекасида ўн мингдан ортиқ планстинка ва лентaлар мавжуд. Булар орасида ота Жалол, Мулла Тўйчи ҳофиз, Ҳожи Абдулазиз, Содирхон Бобошариповлар куйлаган нодир қўшиқлар муҳайё. Фонотека фақат қўшиқчи садосини замонлар оша олиб ўтиши билангина эмас, чолғу ижрочиларининг куйларини ҳам умрига умр қўшаётганлиги билан янада файзлидир. Мисол учун биргина Ҳожи Абдулазиз ижро этган «Гул узорим» қўшиғини олайлик. Навоий ғазалига басталанган бу классик ашулани қўшиқчи нақадар жозибадор, қалбларни тўлқинлантирадиган тарзда куйлаган бўлса, чолғучилар садосида, гижжакда И. Икромов, танбурда Р. Ражабий, найда Юнус Ражабий, доирада домла Ҳалим каби улкан санъат усталари зўр маҳорат кўрсатишган.

Фонотека жуда бой. Бу ердан совет даврида қўшиқчилик истеъдодларини намоён этган Левича ҳофиз, Жамолқори Ғиёсов, Маматбува Саторов, Охунжон қизиқ, Юсуфжон қизиқ каби атоқли санъаткорлар қаторида Тамараҳоним, Назира Аҳмедова, Назира Иноғомова, М. Аъзамова, З. Самиева, Р. Эрматова, Лутфихон ая, Бидоихон Еқубова, Т. Пўлдошева, Т. Назарова, Ҳалима Носирова, С. Қобулова, Ҳ. Аҳмедов, Р. Умаров, М. Узоқов, Ж. Султонов, Карим Мўминов, Камол Маҳмудов каби санъаткорларнинг асарлари ҳам жой олган.

Ўтган йили Зокиржон Султонов ҳаётида яна бир қувончли воқеа рўй берди. У Тамараҳоним билан суҳбатлашиб ўтирар эди. Гапдан гап очилиб суҳбат мавзуи яна пластинкаларга келиб тақалди. СССР халқ артисткаси ўзининг 1935-йилда Лондонга қилган сафари вақтида Тўхтасин Жалилов, Уста Олим Комилов, Абдуқодир Исмоиловлар билан бирга боргани, шу ерда «Галдир», «Нозигим» қўшиқларини биринчи бор куйлагани тўғрисида гапириб қолди. Бу қўшиқларга Т. Жалилов жуда қувноқ, оммабоп куй басталаганини ҳикоя қилди.

Раққосанинг айтишича, Лондонда шу қўшиқни пластинкага ёзиб олинган ва ярим соат ичида ижрочиларнинг ўзларига биттадан тақдим этилган экан.

Афсуски, опада у пластинка йўқ эди. Бу суҳбат Ўзбекистон радиоси халқ чолғу асбоблари оркестрининг солисти Зокиржонни яна «излаш дарди»га чалинтирди. Номи саналган санъаткорлар уйидан бу пластинка топилмади. Зокиржон қўшиқ мухлисларига умид боғлади. Кимдир ноёб пластинкани эгаларидан сўраб олган ва сақлаётган бўлиши мумкин эди. Икки йил давом этган изланишдан сўнг илгари Тошкентнинг Чигатой даҳасида, ҳозир эса Назарбек совхозида истиқомат қилувчи Комилжон Раҳимов ана шу планстинкани дурдоналар хазинабонига топширди.

Зокиржон тўплаган асарлар вақти-вақти билан радиода эшиттириб турилади. Йиллар ўтган сайин санъаткор қўл урган хайрли ишнинг нақадар улуғлигини кўрсатиб, уларнинг қадри ортиб бормоқда.

Ҳозир Ўзбекистон радиоси халқ чолғу асбоблари оркестрининг солисти З. Султонов фонотекаси қўшиқлардан яралган бўстонни эслатади. Унда турфа гуллар мавжуд. Бу гулларнинг ўзига хос хислати шундаки, улар ҳеч қачон сўлиш нималигини билмайди. Чунки бу гуллар бутун вужудини санъатга бахш этган жойиб боғбоннинг, у орқали эса халқимизнинг бебаҳо хазинасига айланган.

Саидвали ҲАСАНОВ.

Спорт

ПЕШҚАДАМ БЎЛИШДИ

Братиславада қўл тўпи бўйича аёллар ўртасида жаҳон биринчилигининг навбатдаги учрашувлари бўлиб ўтгач, совет спортчилари пешқадамликни қўлга олдилар. Группада Чехословакия командасига кескин курашда 10:11 ҳисобида ютқазиб қўйган гандболчиларимиз кейинги ўйинларни ҳамжиҳатлик билан ўтказишмоқда. Кейинги турда совет спортчилари ўтган йилги биринчилик ғолиблари бўлган ГДР командасини 14:12 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Чехословакия командаси эса Венгрия спортчиларидан 13:14 ҳисобида енгилди. Югославия гандболчилари Польша командаси устидан 18:14 ҳисобида устун келдилар.

ШАХМАТЧИЛАР ЧЕМПИОНАТИ

Тбилисида шахмат бўйича мамлакат чемпионати мусобақалари давом этмоқда. Навбатдаги тўртинчи турда кўпчилик партиялар дуранг бўлиб тугади. Дорфман Макаричев билан Михальчишин Георгадзе билан, Разуваев Тимошенко билан, Гулько Тукмаков билан, Цешковский Таль билан дуранг ўйнади. Кузьминни енган Белявский билан Багиров устидан ғолиб келган Свешниковлар олдинга чиқиб олишди. Тўрт турдан сўнг бу икки шахматчи ҳисобида учтадан очко бор.

ЖАҲОН ВА ЕВРОПА НИНГ КУЧЛИ БОКСЧИЛАРИ

Ҳар йилги анъанага кўра бокс бўйича махсус комиссия (АИПС) жаҳоннинг энг кучли ўн вазни ва Европанинг олти вазни бўйича кучли боксчиларни аниқлайди. Бу сафар ҳам махсус комиссияга аъзо бўлган олти мамлакат вакиллари швециялик Свен Экстрем бошчилигида кучли боксчиларни аниқлашди. 63,5 килограммгача бўлган вазнли боксчилар ўртасида Валерий Львов, 67 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида Валерий Рачков ва 71 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида Виктор Савченколар жаҳонда биринчи спортчи деган номни олишга муваффақ бўлишди.

Европанинг кучли боксчилари орасида ҳам кўпгина совет спортчилари бор. 54 килограммгача вазнли боксчилар орасида республикамиз вакили Феликс Пак учинчи ўринни олди.

ҚЎШИҚЛАРДАН ЯРАЛГАН БЎСТОН

ЧАМАНЗОР узра бир қўшиқ таралмоқда. Бу қўшиқ гул япроқларига қўнган биллур томчилардек тиниқ, тонгги сабодек шўхчан. Унинг мазмунида диёр гўзаллиги, ёр ишваси, покиза муҳаббат ёлқини мужассам. Қалбларга ором бағишлаётган бу дил рози фақат жарангдор овоз билан куйланаётгани учунгина эмас, балки унда бутун бир тарих, инсон тақдири билан боғлиқ бўлган ҳаяжонли ўтмиш яширинганини учун ҳам қимматлидир. Бу жаҳонга машҳур санъаткор Мукаррама Турғунбоеванинг нафис садоси. Кўпчилик ўзбек рақс санъатининг фусункорлигини оламга ёйган Мукарраманинг ёшлигида ажойиб лирик қўшиқлар айтиб дилларни ром этганлигини билмаса керак. Лекин 1937 йилда пайдо бўлган бу пластинканинг ҳозирги кунда республикамизга таниқли санъаткор Зокиржон Султонов уйида гард юқтирмай сақланаётгани туфайли биз туганмас завқшавқ соҳибасининг овозини эшитиш бахтига муяссар бўлдик. Мана бу пластинкаларнинг чиққанига етмиш олти йил бўлибди. Узбек классик қўшиқларининг намуналаридан бир нечтасини Ҳакимхўжа Азизхўжаев ижро этган. Қўшиқ муаллифи ҳаёт билан хайрлашганига анча йиллар бўлган бўлса ҳам, унинг санъати ҳамон тирик. Аниқроғи бу санъат умрини узайтираётган, уни эъзозлаётган Зокиржондир.

З. Султонов фонотекасидаги пластинкалар орасида «Махтабъ», «Миноджотъ» қўшиқлари ёзилган бир дурдонани учратдик. Пластинканинг дунёга келганига уч юз йилдан ошибди, аммо йиллар таржимаи ҳоли қўшиқ авторлари, уларни ким куйлагани ҳақида хабар беролмади. Ундаги ёзувларнинг баъзилари ўчиб, баъзилари хиралашиб кетган. Хўш, шундай экан бу пластинканинг моҳияти нимада деб сўровчилар ҳам топилиши мумкин. Унинг аҳамияти санъаткор Зокиржон Султоновнинг нодир дурдоналар ортидан тушиб изланишида, халқимизнинг бундан бир неча асрлар, йиллар аввалги куй ва қўшиқларини бугунги кунга етаклаб келаётганида.

Зокиржон қўшиқ санъатига эрта меҳр қўйди. У Фарғона канали қурувчилари орасида биринчи бор ашула айтганида тўққиз ёшда эди. Боланинг қўнғироқдек овозини меҳр билан тинглаб турган Усмон ота Юсупов ён дафтарчасига унинг фамилиясини, яшаш жойини қайд этиб қўйди. Йиллар ўтиши билан блокнотдаги ўша варақ тилга кирди ва Зокиржонни Андижоннинг Балиқчи районидан Тошкентга етаклади. Пойтахтда ёш қўшиқчини хушовоз хонандалар Жўрахон Султонов, Абдуллажон Охуновлар ўз тартарбияларига олдилар.

— Сендан келажакда яхши қўшиқчи чиқишига ишончим комил, — деди бир куни Жўрахон ота ўз шогирдига меҳр билан тикилиб, аммо юракдан айтадиган бир илтимосим бор: санъатни қадрла, уни пок тут. Кимки унга доғ туширар экан халқ нафратига учрайди.

Устозининг бу сўзлари қўшиқ оламига дадил кириб келаётган Зокиржон дилидан мангуга жой олди. Кейинчалик унда фақат санъатининг ўзинигина эмас, унинг бебаҳо ижрочилари, ижодкорларини ҳам доимо эъзозлаш керак деган ўй, ҳаёл уни тарк этмади. Фонотека ташкил этиш орзуси билан яшади. Бу мақсадда З. Султонов кўп йўл босди. Қайси районга ёки шаҳарга, гастролга борса хизматдан бўш вақтини одамлар билан суҳбатлашишга, классик куй ҳамда қўшиқлар ёзилган пластинкаларни топишга бағишлади. Унинг қўшиқлар мажмуаси жовони йилдан-йилга бойиб борди.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

КРАСНОДАР ўлкаси. Қаҳрамон шаҳар Новороссийскнинг улуғ Ватан урушн йилларидаги жасорати бутун жаҳонга маълум. Суратда: истеъфодаги 2-ранг капитани С. Григорьев Кичик Ер учун бўлган тенгсиз жанглар ҳақида сўзлаб бермоқда.

ОЗАРБАЙЖОН. Республика пойтахти марказида 26 Боку комиссарлари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик олдида абадий машъала ёниб турипти. Суратда: 26 бокулик комиссарлар мемориали олдида.

Е. Шулепов ва Ю. Рахил фотолари. (ТАСС фотохроникаси).

ОЛИМПИАДАНИНГ КЕНГ ЭКРАНИ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ энг йирик киностудияси — «Мосфильм» ҳузурида «Олимпиада-80» ижодий бирлашмаси ташкил этилди. Москва, Ленинград, барча иттифоқдош республикаларнинг экран усталари олимпиадага боғлиқ бўлган ишлар билан машғул бўладилар.

Совет ва чет эл томошабинлари қандай олимпиада фильмларини томоша қилишга муяссар бўладилар? «Олимпиада-80»ни қандай талқин қилиш мумкин, жаҳон спортчиларининг бу йирик мусобақасига совет экрани қандай тайёргарлик кўрмоқда? ТАСС мухбирининг бу саволларига СССР Давлат кинои бошқармаси бошлиғи А. Проценко шундай жавоб қилди:

— Ҳозирда олимпиада иншоотлари қурилиши, мамлакатимизда спортнинг ривожи ва унинг оммавий характери, машҳур совет спортчилари ва тренерлари ҳаётига оид фильмлар суратга олинмоқда. Тамошабинлар ҳозирнинг ўзидаёқ Москва олимпиадаси туркумига оид лентaлар билан танишмоқдалар, «Советский спорт» киножурналининг аксарият сонлари олимпиадага бағишланмоқда.

Украиналик ҳужжатли киноходимлари мамлакатимизда физкультура ва спортнинг оммавийлиги ҳақида, унинг совет кишиларини гармоник ривожлантиришдаги хизматлари тўғрисида ҳикоя қилувчи «Спортчилар Ватани» номли лентани кўрсатишга тайёрлашмоқда. Ленинградлик усталар ўз фильмларида сузиш бўйича жаҳон чемпиони Ю. Богданова ҳақида, Латвия, Ўзбекистон, Эстония кинематографчилари яратган фильмларда эса бешкурашчилар, ёш гимнастикачилар, эшкак эшувчилар ҳақида ҳикоя қилинади. Томошабинлар шунингдек, спортчиларнинг машғулотларидаги энг янги услублар билан таништирувчи илмий-оммабоп лентaлар билан ҳам танишадилар. Олимпиада экрани тематикаси бу билан чекланмайди. Қатнашчилар ва меҳмонлар Ватанимизнинг иқтисодий юксалиши, фан, маданият, совет турмуш тарзига оид муваффақиятлар билан ҳам танишадилар.

Кино санъатининг барча жанрлари вакилларидан ташкил топган 150 кишилик группаси зиммасига олимпиада мусобақалари ҳисоботини тўла ўз ичига олган тўлиқ метражли публицистик картина яратиш вазифаси юклатилган. Бу фильм кадрлари совет спортининг тарихи ва ҳозирги куни билан таништиради, барча олимпиада мусобақалари ҳақида тўлиқ маълумот беради, мамлакатимизнинг бугунги куни ҳақида ҳикоя қилади. Картинага Ленин мукофоти лауреати Ю. Озеров постановкачилик қилади, фильм режиссёри Ё. Ричков.

Совет-Италия кинематографчилари ҳамкорликда суратга олаётган «Беш ҳалқа тарихи» фильми ҳам қизиқарли бўлиши кутилмоқда. Мамлакатимиз ҳужжатли кинематографчилари халқаро спорт федерациясининг спорт жамоатчилиги учун йигирмадан зиёд қисқа метражли махсус фильмларни яратиб бериш ҳақидаги буюртмасини ҳам ўз зиммаларига олдилар.

Олимпиада давомида «Совет киноси куни»ни ўтказиш ҳам мўлжалланмоқда. Унинг программасидан кейинги йилларда яратилган энг яхши фильмлар жой олади.

ҲАР ТЎҒРИДА

УРГИМЧАК — ўта бешафқат жониворлар сирасига киради. Уларнинг баъзи турлари ҳатто ўз оила доирасида ҳам бир-бирининг кушандаси ҳисобланади. Бир пилладан пайдо бўлган 800 ўргимчак болаларини бир идишга солиб қўйилса, уларнинг дарҳол бир-бирини ейишга киришганини кўрасиз. Орадан бир ойча вақт ўтгач, улардан биттасигина омон қолади.

АВСТРАЛИЯНИНГ шимолидаги Робинсон чангалзорларида энг беозор тимсоҳлар яшайди. Улар ўзлари яқинида чўмилаётган одамларга тегмайдилар, ҳатто унинг елкасида сайр қилишга ишқибоз ёш болаларга қаршилик ҳам кўрсатмайдилар.

ЭРКАК балиқ ин қуради, «иморат»га илдизларининг чириндисини ишлатади. Ин тайёр бўлгач, бу ерга урғочи балиқ уруғ икрасини ташлайди.

Инни ва ундаги икрани эркак балиқ қўриқлайди ва қанотини қимирлатиб икраларга тоза сув юбориб туради. Бу ҳол икки ҳафтагача давом этиб, кейин икра балиқча бўлиб чиқади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ОРКЕСТР ПРОГРАММАСИДА

Машҳур совет композитори Д. Д. Шостаковичнинг жозибадор асарлари концерт программалари репертуаридан муносиб ўрин олган.

Тошкент Давлат филармонияси симфоник оркестри ҳам нодир ижод намуналарига мурожаат қилиб, ўз мухлисларини мамнун этди. М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси студентлари симфоник оркестри ва хори бу йилги репертуарини Д. Шостаковичнинг «Степан Разиннинг қатл этилиши» номли асари билан бойитди.

Яқинда олий музика мактабининг катта концерт залида ана шу асар биринчи бор ижро этилди.

ҚЎРИҚХОНА ҲАҚИДА ФИЛЬМ

Табиатни муҳофаза қилиш давлат аҳамиятига молик муҳим ишлардан бирига айланган. Республикамизда «Қизил китоб»ни яратишга киришилган бу борада кўрилган катта тадбирлардан бири бўлди.

Ўзбекистон ССР илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси бу китобда ёритиш учун номлари танланган ноёб ўсимлик ва ҳайвонлар устида илмий ишлар олиб бораётган олимларга бағишланган янги фильм яратди. «Тоқол қўриқхонаси» деб номланган мазкур ҳужжатли лента жуда қизиқиш билан томоша қилинади.

Яқинда экранларга чиқарилган бу фильм кинорежиссёр Ҳ. Файзиев раҳбарлигида суратга олинди.

КЎМАКДОШЛАР

Яқинда Ўзгариш қишлоқ Советида бўлдик. Сайр қилиб баҳри-дилимиз очилди. Кейинги етти-саккиз йил ичида Ўзгариш чиндан ҳам ўзгариб кетибди. Қишлоқ обод, файзли, аҳоли бадавлат, фаровон ҳаёт кечирмоқда.

Илгари бу қишлоқда баъзан кўнгилсиз воқеалар, ёшлар ўртасида безорилик, ичкиликбозлик учраб турарди. Сўнгги йилларда партия ташкилотлаои, қишлоқ ва посёлка Советлари аҳоли ооойишталигини таъминдаш кўлида кўнгилли халқ дружиналарни ташкил этишди. Улар жонговар милициямизнинг яқин сафдошлари бўлиб қолди. Буни биз Ўзгариш қишлоқ Совети мисолида ҳам яққол кўрдик. Бу ерда кўпчилик орасида халол меҳнатлари билан, обрўэътиборлари билан танилган механизаторлар, сувчилар, илғор чорвадорлардан ташкил топган дружиначилар штаби ишлаб турибди. Аҳоли тинчлиги ва осойишталигини асосий мақсад қилиб ташкил этилган ана шу дружиначилар штабининг 60 аъзоси бор. Улар маҳаллий партия ташкилоти, қишлоқ Совети раҳбарлигида қишлоқда ҳар тарафлама осойишталик ўрнатиш, безорилик, ичкиликбозлик каби эскилик сарқитларининг олдини олиш борасида намунали ишлар қилмоқдалар.

Мана, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган Жўра Нишоновни мисолга олайлик. У Улуғ Ватан уруши ветерани. Шу билан бирга актив дружиначи. Яқинда Жўра Нишонов ҳаётида катта қувонч рўй берди. Калинин район ҳарбий комиссариати унга икки орден — II даражали Ватан уруши ҳамда Қизил юлдуз орденларини топширди. Бу орденлар Ватан урушида жасорат кўрсатган Жўра Нишоновни 25 йилдан кейин «топиб» келди.

Ҳозир қишлоқда безори ва ичкиликбоз деярлик йўқ, деса бўлади. Бу халқ дружиначилари тартиббузарликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш олиб бораётганликлари натижасидир.

Ё. МОРДУХАЕВ, Калинин райони.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.00 — Ешлар адреслари. 10.50 — Хайрли тонг. Бадиий фильм. 12.15 — В. В. Андреев номли рус халқ оркестри чалади. 12.45 — Янгиликлар. 15.20 — Меҳнатинг ифлолинг. 16.20 — Шахмат мактаби. 16.50 — Москва ва москвaликлар. 17.30 — Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун. 18.05 — Мальцево қишлоғилик «Мальцев» фильмидан сўнг келган хатлар. 19.05 — Мультфильм. 19.15 — Оламда нима гап. 19.30 — РСФСР Давлат мукофотига номзодлар. 20.25 — Гангстер бўлмайман, азизим. Бадиий фильм. 21.30 — Вақт. 22.05 — «Нувель де Моску» газетасининг совғини учун фигурали учиш бўйича халқаро мусобақалар. 23.45 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Болалар учун концерт. 12.05 — Революция туфайли туғилган. Кўп сериляли бадиий фильм, 4-серия. 18.00 — Ешлик. 18.30 — Мультфильм. 18.45 — КПСС Марказий Комитети ноябрь (1978 йил) Пленуми қарорлари — ҳаётга. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Оламга саёҳат. 20.30 Ахборот. 20.50 — Навқирон балет премьераси. 21.30 — Вақт. 22.05 — Пахтазор — мардлар майдони. 22.20 — Канадалик киши. Бадиий фильм.

Реклама ва эълонлар

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/XII да Афсоналар водийсида, 9/XII да Маърифат қурбонлари.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/XII да Келинлар қўзғолони, 9/XII да Ғарiблар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/XII да Қизил дурралн нозик ниҳолим, 9/XII да Тошкентнинг нозанин маликаси.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/XII да Ишқ қурбонлари, 9/XII да Тўй муборан, қари қиз!

Тошкент область ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг маъмурияти ва шахсий состави УКГБнинг Тошкент области бўйича бошлиғи ўринбосари, полковник

Абрам Ефимович ХОДОРКОВСКИЙнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар ва марҳумнинг оиласи ҳамда яқинларига самимий таъзия изҳор этадилар.

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети Тошкент области бўйича КГБ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, полковник

Абрам Ефимович ХОДОРКОВСКИЙнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар ва марҳумнинг қариндошлари ва яқинларига самимий таъзия изҳор этадилар.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 | Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 02950. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети машриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Д—2539.